


ТАРИХ ВА ШАҲС

ЗАМИРА ИСХОКОВА

# МАШРАБ



«O'ZBEKISTON»

← ТАРИХ ВА ШАХС →

ЗАМИРА ИСҲОҚОВА

МАШРУБ



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

УЎК: 94(575)(092)Машраб

КБК 86.38

И84

Масъул мухаррир:  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Қаҳрамон Ражабов*

Тақризчи:  
филология фанлари доктори, профессор  
*Нажмиддин Комилов*

Ушбу рисолада XVII – XVIII асрларда яшаб ижод этган ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, илохий ишқ кўйчиси Бобораҳим Машрабнинг хаёт ва ижод йули муҳтасар ёритилган. Шоирнинг ўткир маъноли, чукур фалсафий, латиф, қайнок дардли, майин ва шўх оҳангларга бой шеърлари қарийб тўрт асрдан бўён илохий ишқ муҳибларини ўзига шайдо қилиб келмоқда. Рисолада Машрабнинг ана шундай асарлари таҳлил этилиб, у хақидаги зиддиятли фикрлар, тортишувларга хам ойдинлик киритилиб, бу карашларининг асл моҳияти очиб берилган.


Рисола Машраб ижоди билан киинкувчи кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

ISBN 978-9943-01-938-6

© Замира Исҳокова, 2015

© «OZBEKİSTON» НМИУ, 2015

nv. N 2233/1



Күп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол саклашда муқаддас динимиз кудратли омил булиб келаетганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб булган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

*Ислом КАРИМОВ*



## МУКАММАЛ ИШҚ ДОСТОНИ

Бобораҳим Машраб ғазал мулкининг сultonи Алишер Навоийдан кейин ўзбек мумтоз адабиётига янги рух ва ўзига хос сўз, оҳанг ва тасвир гўзаллигини олиб кирган сўз санъаткоридир. Мустақиллик йилларида барча азиз сиймоларимиз каби Машраб шахсиятига ҳам адолатли баҳо берилди. Машраб таваллуди тантанали нишонланди. Наманган шаҳрида майдони қирқ гектарлик боғ ҳамда муҳташам Машраб ҳайкали бунёд этилди. Шоирнинг шеърлари бир неча бор нашр этилди.

Машраб шеъриятига хос хусусият шундаки, унинг шеър ва ғазалларида Аллоҳга бўлган ишқ тараннум этилади. Муҳаббат жомидан май ичган, ўзидан бехабар, ҳушини йўқотган мастона



Машрабнинг илохий ишқ дарди инсоннинг изтироб ва кечинмалари, орзуумидлари, меҳр-мухаббати билан ҳамоҳангдир. Машраб шеъриятининг куч-қудрати ва умумбашарий моҳияти шоирнинг инсонпарварлигидадир. Машрабнинг ўзи — мукаммал ишқ достонидир, унинг шеърлари улкан ойнаи жаҳонки, ҳар ким қидирганини топади, «бир нукта билан минг маъни жам» бўлган сарчашмадан қурби етганича олади. Машрабнинг дарду ноласи бир парча нон топиш, мансабу манфаат учун елиб-югургаётган одамларнинг дарду ноласи эмас. Машраб ҳамиша инсонни инсон бўлиб қолишга, маънавий камолотга, эзгулик ва яхшиликка чорлаган. Унинг шеърларида ахлок-одоб масалалари юксак даражада тарғиб қилинади. Шоир жоҳиллик, нодонлик, ҳасад ва такаббурликни қоралаб, кишиларни самимий, одил, хайриҳоҳ бўлишга, эзгу мақсад сари оғишмай интилиш ва гўзал ахлоқли бўлишга чақиради.

## ИРФОНИЙ ИШҚ КУЙЧИСИ

Бобораҳим Машраб Наманганда туғилган. Машрабнинг таржимаи ҳоли манокиб ва афсоналарда ҳам акс этгани. Халқ севиб мутолаа қиласиган «Қиссаи Машраб» авлоддан-авлодга ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқилган. Шоир ўзи ҳақида шундай ёзади:

*На малакман, на фаришта, мен ҳам  
одам наслидан,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман<sup>1</sup>.*


Халқ орасида «Машраби валиюллоҳ», «Орифи раббоний», «Ошиқи ҳаққоний» номи билан машхур бўлган Машраб ўз даврининг етук мутасаввифи, тасаввуф адабиётининг ёрқин юлдузи, ирфоний илмлар билимдони, умрини дунё кезиб, сарсон-саргардонликда ўtkazган, халқнинг севимили шоири сифатида шухрат қозониб, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган

---

<sup>1</sup> Машраб. Танланган асарлар/Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров. – Т.: Faфур Фуломномидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 83-б.

қаландар шоирдир. Уни «Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб», «Қаландар Машраб», «Эшони Машраб», «Эшони Шоҳ Машраб» деб аташган.

Шоир ёшлигидан «Махди» («тухфа килинган, ҳидоятга бошловчи, халоскор»), «Зинда» («тирик, умрбокий»), «Ринди» («аҳли дил, майпарат, дунё ташвишларига қўл силтаган»), «Умам» (Муҳаммад (с.а.в.)га эргашувчи, банда), «Мехри» («қуёш, ишқ оташи, нур сочувчи»), «Мирзойй» («ҳоким, пайғамбар авлодларининг унвони») каби тахаллуслар билан шеърлар ёзган. Кейинчалик ҳалқ орасида «Машраб» тахаллуси билан машҳур бўлган. «Машраб» сўзининг луғавий маъноси табиат, одат, хулқ, равиш, майл, ҳавас, завқ, сув, шароб ичиладиган идиш, фоя, маслак, хулқ-атвор, хислат, мазҳаб, насиба ва ҳоказо. Тасаввуфий маслакда илоҳий ишқ шаробини ичган ошиқ. Қаландар дунёнинг ҳамма борди-келдиларидан воз кечиб, дунё бўйлаб дайдиб юрувчи дарвеш, девонатабиат киши.



Машрабнинг шеърлари ёндирувчи олов, лахча чўғ каби хаста қўнгилларни нурафшон этган. Давралар румийхонлик, хофизхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик билан файзли бўлиб, уларнинг дилтортар шеър ва ғазаллари мароқ билан тингланган. Машраб араб, форс тиллари, Қуръон ва ҳадис илми, тасаввуф тарихини мукаммал билган, ўз даврининг муршиди комилларидан таълим олган. Шу боис ғазалларида Қуръон оятлари ва ҳадислар, пайғамбарлар, хулафои рошидин Абу Бакр ас-Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али бин Абу Толиб, унинг фарзандлари имом Ҳасан ва имом Ҳусайн, шунингдек, азиз-авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ байтлар кўп учрайди.

Машрабнинг ишқ-муҳаббатни тарнум этувчи шеърлари шоирнинг ўзи мукаммал ишқ достони эканидан далолат беради. Машраб учун борлиқ, бутун олам, барча нарсалар ишқдан иборат бўлган. Унинг шеърларидаги илтижолар ўз холиқига – «ҳижрон

ўтида юрак-багрини кабоб этган, минг ноз билан жилва қилган» ёри жаҳони – Аллоҳга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Машраб бу оламни Яратганинг зуҳури деб билади. Барча эзгулик, мурувват ва саховат худодан, чин дилдан эътиқод қилган киши бошқаларга озор бермаслиги лозим. Бир инсоннинг дилига озор берган киши ҳеч қачон Аллоҳ розилигига эриша олмайди ва Ҳақ ишқида олов бўлиб ёна олмайди.

*Дил – муҳаббат хонайи ишқсиз ижобатдин эмас,  
Магзи йўқ нопоклар аҳли риоятдин эмас<sup>1</sup>.*

Машраб умр бўйи асл моҳияти билан ўзиники бўлган сўзни – ишқ-муҳаббатни тараннум этди. Унинг бадиий мероси шеър, рубоий, ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, маснавий ҳамда фардларни ўз ичига олган «Девони Машраб»да мужассамдир.

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 304-б.

Машраб тасаввуф оламининг илк намояндаларидан бири Шайх Увайс Қаранийга бағишилаб «Қиссаи Вайсул Қараний» номли 180 байт, 360 мисрадан иборат маснавий ёзган.

Машрабнинг яна бир асари «Қиссаи Меържномаи Расули Акрам» бўлиб, унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг меържлари – малақут оламига чиқишилари, арш, курси, лавҳ, қалам, жаннат, дузах ва бошқа ажойиботларни кўришилари, Аллоҳ таоло билан ҳол тили билан сўзлашиб, яна ўз жойларига қайтишилари ҳикоя қилинади. Бир яҳудий бу қиссага ишонмасдан, бошидан турли воқеаларни кечиргани ва ниҳоят қилмишидан пушаймон бўлиб, тавба қилган, иймон келтириб, исломни қабул қилгани баён қилинади.

Машрабнинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли ахлоқий ҳикоялар жамланган шеърий асарлари илоҳий-ирфоний ғоялар манбаидир. Машрабни ҳақиқатан ҳам серқирра ижодкор дейиш мумкинки, у ишқ уммонидаги

«минг маънини бир нукта билан мухтасар этган», ишқдан алангаланиб, ёниб-куйган ва яна қайта тирилиб, ўзини ишқ гирдобига урган. Машраб том маънода «руҳоният куйчиси», «ирфоний ишқ куйчиси», чинакам сўз санъаткоридир. Унинг шеърлари ҳамиша кўнгилларни тўлқинлантириб, нурафшон туйғулар ҳадя этган.

Машраб шеърларида «ҳажри ўтида куйдириб, юрак-бағрини бирён айлаган, қатра ваҳдат майдан баҳраманд этган, давосиз дардга йўлиқтирган, ишқ йўлида бечора, зор, бенаво қилган, ақлини олиб, жонига ўтлар ёққан» Аллоҳ завқу шавқ билан тараннум этилган.

«Хусну жамолининг ўтида парвона бўлган, дил даشتida гам оҳуларига ватан этган, қонлиг танасига ишқ либосини каған қилган, ишқ аҳлига ўтлиғ юрагини чаман этган, зулми ни қариндошу гамини падар деб билган, қаландарлик жандасини кийиб, ўзини дарбадар этган, ҳар дақиқада юз дарду алам чеккан» Машраб учун

«*бир худодин ўзгаси барча галатдур*». Шунинг учун Машраб жилвагарнинг ўзини хоҳлайди:

*Бу тани хокинию рухи равонни на қиласай?  
Бўлмаса қошимда жонон бу жаҳонни на қиласай?  
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,  
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қиласай?  
Урайинму бошима саккиз беҳишту дўзахни,  
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қиласай?  
Аршининг кунгурасин устига қўйдим аёгим,  
Ломакондин жой олибман, бул маконни на қиласай?  
Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,  
Ошкоро бўлмаса, сирри низонни на қиласай?  
Бир худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса қўлимда, ул тиконни на қиласай?*<sup>1</sup>

Тазкира ва маноқибларда «султон ул-орифийн» («орифлар султони», «маърифат даражасига эришган сўфий»), «бурхон ул-муттақийн» («такводор, парҳезкор, гуноҳ ишлардан тийилган, ҳалол иш тутувчи»), «зубдат ул-мутакаллимийн» («сўзловчи, нотикларнинг сараси, қаймоги») деб улуғланган Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ўзига хос ҳамда такрорланмас. Машраб «жисми жонини» куй-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 103-6.

дирган ишқ щуъласини оламга ёяди ва бундан афсусланмайди, унинг учун бошқаларнинг танаю маломати, гап-сўзлари, ифвою бадбинликлари аҳамиятсиз, ўзини «ишқ аҳлининг султони» деб билади.


Бир миллатдан чикқан ноёб истеъдод эгаси ўша миллат фарзанди булиб қолмай, барча миллат ва элатлар учун қадрлидир. Машрабни башарият шоири дейиш мумкин, унинг юрак қони битилган ҳароратли шеърлари барчага бирдек манзур бўлган. Унинг шеърларини мўътабар ҳисоблаганларки, «дард кўрган юракдан чикқан сўз дардли қалбларга малҳам бўлган».

## «МЕН ТАВАЛЛУДИ ЎШАЛ ФАРЗАНДИ НАМАНГОНИМАН»

Машрабнинг ҳаёти афсона ва ривоятлар билан қўшилиб кетган. Ровийлар маноқибларни завқ билан айтганлар, хикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасига тарқалиб, Машраб номи тилларда достон бўлган. Ривоят қилинишича,

Машрабдаги гуноҳлардан сақланиш хислати ҳали туғилмасиданоқ на-моён бўлган экан. Бир куни Маш-рабнинг онаси йигирилган ипларни сотиш учун бозорга олиб борган ва қайтишда ерда ётган икки дона узум-ни олиб оғзига солган. Шунда она-сининг қорнидан овоз келган: «Эй, она, худодин қўрқмай, махлукдин ўёлмай, кишини ҳақини нима деб едингиз? Агар шул узум эгасини рози қилмасангиз, қорнингиздин гойиб бў-либ кетарман». Бундан кўрқиб, ху-ши бошидан учган она шу заҳоти баққолнинг олдига бориб, ерга тушган икки дона узумнинг ҳақини тўлаган экан. Бу ажиб ҳолдан таъсирланган баққол барча нарсасидан воз кечиб, ҳақиқат йўлига кириб, илму маъри-фатдан насиба топган экан.

Машраб 1653 йилда Наманганда бўзчи Валибобо ва Биби Салималар оиласида туғилган. Унга Раҳимбобо деб исм қўйишган. Жуда кўп манба-ларда Машрабнинг исми «Бобораҳим» деб ёзиб келинган. Машрабнинг ўзи



шеърларида Раҳимбобо эканини ёзган.


*Чину Наманган ичида юрди Раҳимбобо сўраб,  
Топмади бир ҳодийини, толиби роҳ барор ўзум<sup>1</sup>.*

Машрабнинг туғилган йили ҳам 1640, 1657 йил деб нотўғри кўрсатилганки, «Тазкираи қаландарон»да: «Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари (ўлими – З.И.) айёминда умрларидин 58 сана кечуб эрди», деб қайд этилган. Машрабнинг қатл этилган вақти 1711 йил экани манбаларда аниқ кўрсатилгани учун унинг туғилган йилини 1653 йил экани тасдиқланади.

Машрабнинг болалиги ҳам ўзига хос бўлиб, худога иштиёқ ҳислари жўш урган пайтлари беихтиёр шеър айтиб юборган. Бу фавқулодда ҳодиса бўлиб, унда кучли истеъдод барқ ураг эди. Кўчаларда ялангоёқ, кийим-бошсиз ёғоч от миниб юраг, ҳалқ уни ўраб олиб гапга тутишар, шеър айтиб беришини сурашар экан. Фарзандларидаги илмга ташналик, туғма истеъ-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 173-6.



дод ва қобилият унинг ота-онасини бефарқ қолдирмаган. Улар фарзандларини 7 ёшида ўқишга беришган.

Ёшлигидан зийрак, тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан бўлгани учун Машраб хат-саводини тез чикаради. Ўсмирлик пайтидаёқ Куръон, ҳадис, форс-тожик адабиёти, араб тили ва адабиётини чукур ўрганганди, ўзбек ва форс-тожик тилида fazallar битиб, шеърларида халқ мақоллари, ҳикмат ва ибораларни усталик билан қўллаган.

*Алифни дилга жо қилмоқни*

*бисмиллодин ўргандим,*

*Шаҳид қонини тўқмакни*

*Каломуллодин ўргандим.*

*Ўшал куни ҳашт дари Жаннатни бир*

*буғдойга сотмоқни,*

*Тариқи бандаликни Одаму Ҳавводин ўргандим.*

*«Заламна раббано»ни дилга жо қилмоқни*

*ҳар соат,*

*Гунаҳ қилмоқни ман Одам сафийуллодин*

*ўргандим.*

*Хама айтурки, Машраб, мунча илмни*

*кимдин ўргандинг,*

*Худо лутф айлади, ман барчани*

*Мавлодин ўргандим<sup>1</sup>.*

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 138-6.

Машрабдаги илм-маърифатга бўлган иштиёқ тасаввуф илмини ўрганишга йўл очган. Машраб Фаридиддин Аттор, Хофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Лутфий, Алишер Навоий каби забардаст шоирларнинг ижодига қизиқиб, уларнинг шеър ва фазалларини ёд олган. Машраб хозиржавоб, ҳофизлик қуввати ва кучли хотира эгаси бўлгани боис Валибобо фарзандининг истиқболи учун қайғуриб, уни Фарғона водийси сўфийларининг раҳнамоси, намангандик машҳур эшон Домулло Бозор Охундга шогирдликка берган. Биринчи сабоқдаёқ берилган саволларга қайтарган жавоблари билан Машраб ўзининг кучли идрок эгаси, ноёб истеъдод соҳиби эканлигини намоён этган.

## МУЛЛА БОЗОР ОХУНД – МАШРАБНИНГ УСТОЗИ

Машраб Наманганинг кўзга кўринган илм даргохи Курашхонадаги  
2 – З. Исҳоқова



мадрасада Хўжа Убайдуллоҳ Мулла Бозор Охунд (ваф. 1668 й.) қўлида таълим олган. Мулла Бозор Охунд XVII аср бошларида Наманганинг Чорток ва Янгиқўрғон туманлари оралиғидаги Кўшон кишлогида туғилган. Унинг отаси асли Ко-сонсой туманидан бўлиб, ўз даврининг зиёлиларидан бири бўлган. Бошланғич таълимни ўз кишлогида олгач, Мулла Бозор Охунд Намангандаги ўқиши давом эттирган. Мадрасада ўқиши тамомлагач, бухорлик авлиё Мирзо Баҳодир Бухорий (ваф. 1649 й.)га мурид бўлган ва иршод (йўлланма) олиб, муршидлик мақомига эришган.

Мулла Бозор Охунд билимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда тариқат илмини ўрганиш учун Қашгарда катта нуфузга эга бўлган Ҳидоятуллоҳ Офоқхўжа (ваф. 1695 й.) хузурига йўл олади. Йиллар давомида шайх хизматида бўлади. Шариат ва тариқат илмларини пухта эгаллагач, Офоқхўжа унга «Охунд» унвонини

беради. Бу унвон, асосан, шариат ва тариқат илмларидан устозлик килиш иктидорига эга бўлган сўфийларга берилган. Мулла Бозор Охунд Намангана қайтгач, Курашхонадаги мадрасада мударрислик қиласди. Мулла Бозор Охунд Фарғона музофотида тариқат илмининг етук намояндаси сифатида шухрат қозонган ва «Подшоҳхўжа», «Домулло Охунд», «Мулло Бозор Охунд» деб улуғланган.

Мулла Бозор Охунд «ҳақиқий муҳаббат қуёши, илм осмонининг тўлин ойи, ҳақиқат дengизининг дурри яктоси, фан богининг булбулигүёси, донолик чашмаси, Наманганде авлиёларининг сўнггиларидан бири, Аллоҳнинг сидқ билан ибодат қилгувчи бандаси, ўз кароматлари билан шухрат қозонган, насаб шажараси Ҳазрати Шери Худо (Али р.а.)га бориб тақалади», деб таърифланган. Мулла Бозор Охунд қачонки Аллоҳ номини зикр қилса, оғзидан олов ёлвираб чиқар экан. Зикр тушаётганлар олов нурини кўриб туришар экан. Унинг

отаси Султон Мухаммадхон туркистонлик бўлиб, кейин Кўқонга кўчиб келган. У ерда уйланиб, сўнг оиласи билан Наманганга келиб, муқим яшай бошлаган экан. Отасидан сўнг пири муршидликни Мулла Бозор давом эттирган. Султон Мухаммадхоннинг қабри Наманган шаҳрининг Курашхона маҳалласида. Унинг ёнида Мулла Бозор Охунднинг қабри бор. Макбара шўролар даврида ер билан текисланниб, ўрнига бошқа бино қурилган. Бу табаррук зиёраттоҳ ном-нишонсиз йўқ қилинган. Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз қатори Мулла Бозор Охунд мақбараси ҳам тикланди ва ўз ҳолига келтирилди.

Мулла Бозор Машрабга устозлик қиласи. Мадрасада таълим олган чоғларидаёқ, Машраб шеърлари билан танилган. Охундни Машрабдаги туғма истеъдод ва «илми ладуний»дан хабардорлиги, ақл-фаросати ва зукко сўзлари ҳайратга солади. Машраб Мулла Бозор Охунднинг ақлу зако-

вати ва фаҳму фаросатини шундай таърифлаган:

*Маърифатнинг гулзори Мулло Бозор девона,  
Ошиқларнинг сардори Мулло Бозор девона.  
Йўқтур асло кийнаси, баҳри урфон сийнаси,  
Нури Ҳақ ойнаси Мулло Бозор девона.  
Жойларидур Наманган, Ҳақ йўлида жон берган,  
Муридларини севган Мулло Бозор девона.  
Ичларидур тўла нур, пирлари дур Баҳодур,  
Бухорода ул машҳур, Мулло Бозор девона.  
Машраб ўзи девона, ишқ ўтига парвона,  
Йўл юрадур сарсона, Мулло Бозор девона<sup>1</sup>.*

Машраб устози Мулла Бозор Охунд ҳузурида бир неча йил таҳсил олиб, илоҳиёт сирларини ўрганганд. Баъзи манбаларда, «Мулла Бозор Охунд Машрабнинг иқтидори зўрлигидан уни Офоқхўжа ҳузурига кеткизган», деб ёзилган. Бошқасида эса, «Мулла Бозор Охунд Машрабнинг тўғри йўлдан озаб бораётгани учун ҳадиксираб, уни Қашгарга юборган», дейилган. Аслида Мулла Бозор Охунд Машрабнинг иқтидори ва илмга иштиёқи, тасаввуф илми-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 57-6.

ни камолотта етказиши учун уни Кашгарга, устози Офокхўжа ҳузурига юборган. Офокхўжа «*Машрабнинг дил чарогига ёғ қўйиб, филитасини тайёр қилиб, равшан қилгон бир пири комил*» эди.

## «ҚУДДУСАРО АЗИЗ ХЎЖАМ МАШРАБ ОТИМНИ ҚЎЙДИЛАР»

Ҳазрати Хўжа Ҳидоятуллоҳ (Офокхўжа) Махдуми Аъзам Даҳбедий авлодидан бўлиб, ўз даврининг «кутби олам» даражасига кутарилган тасаввуф алломаси эди. Унинг отаси Муҳаммад Юсуф Самарқанд вилоятининг Даҳбед қишлоғида туғилган. У ўз даврининг мутафаккирларидан бири бўлиб, умрини ислом дини ривожига баҳш этган. Муҳаммад Юсуф оиласи билан Қашгарга кўчиб ўтган. Офокхўжа 1625 йилда Шарқий Туркистоннинг Кумул кентида туғилган. Илк сабоқни отасидан олиб, ислом дини қонун-қоидалари, илоҳиёт илми ва тасаввуф, нақшбандийлик тариқатини ўрганганди.

дан сўнг, Офоқхўжа унинг ўринини эгаллаб, халқни тўғри йўлга чорлайди. Офоқхўжа жуда кўп хислатларга эга бўлган. Унинг буюк иқтидорга эгалиги бутун Қашғарга ёйилади ва чор атрофдан кишилар унга мурид, яъни шогирд бўлиш учун келишади.

Офоқхўжанинг олий унвон, яъни «офон» деб улуғланишининг боиси шундаки, унга эргашган ва унинг сўзларидан файз олган кишилар уни «уфқ», «ёруғлик эгаси» деб атаганлар. Офоқхўжанинг ҳаёти жуда ибратли бўлиб, у ҳар куни уч луқма таом билан қаноатланиб, бутун умр рўза тутиб ўтган. Хўжанинг уйида зикр учун икки мингдан зиёд мурид тўпланган. Зикрдан сўнг Офоқхўжа дарвешлар даврасида Жалолиддин Румийнинг «Девони Кабир», «Маснавий» китобларидан парчалар ўқиб, уларнинг ботиний маъноларини тушунириб берган. Дарвешлар асар таъсирида ҳушларини йўқотиб, жазавага тушишган, йифилар оламни тутиб кетган. Зикрда Офоқхўжанинг дам

уришидан турли касалликлар билан оғриган (фалаж, күр, майиб) bemорлар бутунлай тузалган.

Офокхўжа камбағал ва бева-бечораларнинг меҳрибон, саховатли кишиси бўлган. Офокхўжанинг хонақоси барча дарвешлар учун очик бўлган. Офокхўжа дарвешлар учун масжидлар ва хонақоҳлар курдирган. Унинг вакф ерларидан келадиган улушлари дарвешлар тасарруфига берилган. Офокхўжа фавқулодда каромат сохиби бўлиб, дарвешлар қалбидаги ўзгаришларни ботиний нигоҳ билан англаган. Машраб «Қашғар тарафидин бир марди Худо иси келадур», деб Қашғарга йўл олган:

Азалдин то абад, дўстлар, ҳамиша  
оҳ деб келдим,  
Тилимда раббиял аъло, яна Аллоҳ деб келдим.  
Ки сан авлоди Пайғамбар, отингдур  
ҳазрати Офок,  
Ки навмид қўймагайларким, улуг даргоҳ  
деб келдим.  
Азалдин манга солди ушбу ўтни,  
эй мусулмонлар,  
Анинг учун куярман туну кун юз оҳ  
деб келдим.

*Хидоят кўргузунг, Офоқ хўжам,  
пушти паноҳим сиз,  
Адашган, йўлда қолганман, гарибга роҳ  
деб келдим.  
Кел, эй Машраб, умид этгилки,  
афв этгай гуноҳингни,  
Ҳасан бирла Ҳусайним ҳурмати ул  
шоҳ деб келдим<sup>1</sup>.*

Офоқхўжа Машрабни муридликка қабул қилиб, унинг жисмоний, руҳий тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Маълумки, шайхлар мурид тарбиялашда уларнинг маънавий камолотга эришишлари учун турли вазифаларни юклаганлар. Айниқса, муриддаги манманлик, шошқалоқлик, ўзбилармонлик, худбинлик, қайсарлик, такаббурлик каби салбий иллатларни йўқотиш учун уларга маълум вазифалар катъий белгиланганки, Машраб ҳам «Йўл уза келди Машрабинг, қўл узат, эй Офоқхўжам» деб ёзган.

*Даъвийи ишқ этгани Мажнуни бенаво керак,  
Ўзини хоксор этиб, дарбадари гадо керак.  
Шому саҳар фигон этиб, ёр висолини тилаб,  
Тун кечаларда уйгониб, ёш тўкубон дуо керак.*

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 144-6.

Жаҳду жадал бугун, эртани кечга қўймагил,  
Орифи Ҳақ бўлай десанг, Адҳами босафо керак.  
Чиқти Расул мақом ошиб,

Жабраил эргашолмади,  
Яъни бу сирни билгали орифи мунтаҳо керак<sup>1</sup>.

Офоқхўжа Машрабга мукаммал тасаввуфий таълим берган. «Қиссаи Машраб»да Машраб Офоқхўжа хонақоҳида кўп йиллар хизмат қилгани: ўтин ташиб, сув олиб келгани, Ҳазратнинг хос маҳрами бўлгани зикр этилган. Машраб ўн йил давомида пир хизматини адо этади.

Эй биродар, кийибман бир кийимни етти йил,  
Бас, мاشаққат тортмагунча лойиқи  
дийдор эмас.

Шўролар мафкураси таъсири остида ёзилган барча асарларда (мустақилликкача бўлган давр назарда тутилмоқда) Офоқхўжа номи камситилиб, мутаассиб дин арбоби, деб уни Машрабга душман қилиб кўрсатилган.

Ваҳоланки, дунёда икки оғоқ бўлса, «Қутб ул-олам»нинг бири бу-

<sup>1</sup> Қиссаи Машраб. 34-6.

хоролик буюк мутасаввиф Хўжа Абдулхолик Фижувоний, иккинчиси Офокхўжа эди.

Тарихга мурожаат қилсак, Машрабнинг Офокхўжа даргоҳидан кетиши ва яна пир ҳузурига қайтиши ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеалари билан боғлиқлиги англашилади. Маълумки, шайбонийлардан кейин таназзулга юз тутган жамиятда феодал тарқоқлик кучайган. Сиёсий парокандалик иқтисодий емирилишлар олдини олмаган, аксинча, ҳамма балою офат халқ бошига ёғилган. Офокхўжа жуда катта мавқега эга бўлганини эътиборга олсак, халқ сиёсий инқироздан чиқиш учун Офокхўжани хонликка кўтаради. Лекин тож-тахт даъвогарлари Офокхўжани енгиб, уни Қашфардан бадарға қилишади. Бир муддат қувфинда яшаган Офокхўжа яна юртига қайтади. Демак, Машраб Офокхўжадан ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра маълум муддат узоқлашган. Бу пайтда Машраб қаландарларга қўшилиб, юрт кезган.

Офоқхұжа Машрабнинг ижодий иқтидорини юқори баҳолаган. Аллохга бүлган кучли мұхаббатини тараннум этган ғазалларидан таъсирланиб унга «Машраб» («ишқ шаробини ичган», «илохий шаробдан сархуш») тахаллусини беради. Машраб бу ҳақда шундай ёзади:

*Хар нағасики манда бор бүлди  
мадад Офоқхұжам,  
Бүлмаса бир құруқ ёғоч, даشتада күңсөр үзум.  
Қуддиса сиррихұ Хұжам отимни «Машраб»  
дедилар,  
Кашғару Ерканд ичида соғиби гүфтөр үзум!<sup>1</sup>*

«Қиссаи Машраб»да Офоқхұжа даргохыда хизмат қилиб юрган Машраб муршидига густохлик (сұфийлар ахлоқига зид хатти-харакат) қилиб, ҳарамдаги чүрилардан бирини севиб қолгани<sup>2</sup> ва Офоқхұжаның ғазабига

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 173-б.

<sup>2</sup> Пир-муридлик одобига күра, манокибда келтирилған бу ривоят мантиққа зид булиб, етти йил хонақохда тарбия күрган «ошиби барxaқ»нинг ҳарам чүриси билан пир даргохидан қувилишгача ишқий муносабатда булиши ва яна кечирилиб, пир даргохига қайтиши ишонарлы әмас.

учраб, гуноҳини бўйнига олгани қайд этилган:

*Билдимки, отинг Ҳазрати ҳодийи музиллини,  
Мақбули ҳидоят бўлайин деб, гуноҳ эттим<sup>1</sup>.*

Офоқхўжа «Машрабдин Мансури Ҳалложнинг бўйи (ҳиди) келадур», деб уни жазолашга буюради ва Машрабни даргоҳидан бадарға килади. Офоқхўжа Машрабнинг буюк мутасавиф Мансур Ҳаллож (ваф. 922 й.) каби ўлим топиши ва Махмудхон томонидан осиб ўлдирилишини олдиндан башорат қилган экан. Ана шундан кейин Машрабнинг ҳаёти то ўлимига қадар сарсон-саргардонлик ва дарбадарликда ўтган.

Машраб қаерга бормасин, халқ унга пешвоз чиқиб, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олган. Машраб уларнинг ҳурматига илтифот кўрсатмай, Пайғамбаримизнинг «Шуҳрат оғат келтиради» деган ҳадисларига амал

---

<sup>1</sup> «Киссаи Машраб». 37-6.

қилиб, халқнинг ихлосини қайтара-  
диган ишларни қилган.

Машраб Қашғардан Шарқий Тур-  
кистон шаҳарларидан бири Ёркент<sup>1</sup>-  
га йўл олади. Кейин Хўтанга, ун-  
дан Или<sup>2</sup> шаҳрига келади. У ер-  
дан қалмоқлар орасига боради. Яна  
Қашкарга қайтиб, Офоқхўжага му-  
рид бўлади. Офоқхўжа уни хизмат  
 билан Тошкентга юборади. Ривоят  
 қилинишича, Машраб икки тоғ ора-  
 сидаги йўлдан Тошкентга кетаётганда  
унга Хизр учрайди. Машраб Хизрдан  
мушкулини осон бўлишини сўраб, дуо  
тилайди. Ҳазрати Хизр «*бир неча  
нуктаи маърифат ва тариқатдин  
баён қилиб*», Машрабни дуо қиласи.

Машраб Тошкентда Нуриддин исм-  
ли бузрукворни шайтон дафъидан  
қутқаради. Тошкентдан қайтгач, Офоқ-  
хўжа Машрабга «иршод хати» берা-

---

<sup>1</sup> Ёркент – Хитойнинг Синьцзян – Уйғур мухтор районидаги шаҳар. Қашғар вилоятининг маркази бўлган.

<sup>2</sup> Или – Ила, Ийла номи билан аталган ҳозирги Қозогистон худудидаги шаҳар.

ди. Иршод тариқатда муайян даражага эришган сұфийларга бериладиган, муридларни ҳақ йўлга бошлиш, тўғри йўл кўрсатиш учун пирнинг расмий рухсатномаси ҳисобланган. Муршид даражасига етган Машраб, аввало, Намангандаги — онасини зиёрат қилгани келади:

*Эй, сафо баҳши баҳору бўстоним қайдасан,  
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним қайдасан,  
Эй, тириклик боиси, сарви равоним қайдасан,  
Ялеуз уйларда рафиқу меҳрибоним қайдасан,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним  
қайдасан?<sup>1</sup>*

Машраб онасининг «фарзанд фироқида йиглаб, кўзлари кўр бўлиб, соchlари оқариб» кетганини кўриб, йиғлайди. Унинг оху фифони кўкка етади.

*Худовандо, улуг зотинг сифотинг кибриё ҳаққи,  
Хабибинг Мустафову чори ёри босафо ҳаққи.  
Хусусан ҳуҷу Бубакру Умар, Усмону  
Зиннурайн,  
Шоҳи соҳибқирон, яъни Алийи Муртазо ҳаққи.*

<sup>1</sup> «Қиссаи Машраб». 95-6.

*Мани бечораву саргаштани оввора ҳолига,  
Иноят қил, Ҳасан бирла Ҳусайн*

*Карбало ҳаққи.*

*Не бўлгайким, иноят кўзи бирла назар солсанг,  
Расулинг ҳурматидин мустажоб ўлғон*

*дую ҳаққи.*

*Ҳазин кўнглумни шод эт, кўрар кўзни  
кушод эт,*

*Ки тўйқсон тўйқиз отингу сифотинг  
кибриё ҳаққи<sup>1</sup>.*

Онаси «фарзандим кўз ёши ҳурматидан кўзимга ёргулек бергин, худойим, уни бир марта кўриб ўлсам армоним қолмайди», деб худога илтижо қилиб, Машрабнинг чопони этагини кўзларига суртади. Онасининг кўзлари очилиб, фарзандининг атрофидан уч марта айланиб, ундан розилигини айтиб, худога муножот қилиб, омонатини топширади. Машраб онасини қабрга қўйиб, кирқ кун Куръон тиловатида бўлади. Машраб онасига марсия айтади:

*Нечук айлай, аё дўстлар, ки жононимдин  
айрилдим,  
Тириклик боиси ул муниси жонимдин айрилдим,*

<sup>1</sup> «Киссаи Машраб». 91-б.

Ўшал наврастайи гул барги хандонимдин  
айрилдим,  
Бўлубман булбули шайдо гулистонимдин  
айрилдим,  
Асолат бирла хоқон ибни хоқонимдин  
айрилдим<sup>1</sup>.

Машраб онасининг маъракаю расм-  
русларини ўтказиб бўлгач, йўлга от-  
ланади. Аввал Хўжандга, кейин Тош-  
кентга, ундан Туркистонга, кейин яна  
Тошкентга, ундан Хўжандга келади  
ва у ердан мусулмонликнинг бешинчи  
талаби бўлган ҳаж амалини бажариш  
учун Макка шаҳрига жўнайди.

Маноқибларда Машрабнинг Самарқанд, Хўжанд, Туркистон, Тошкент, Бухоро, Андижон, Бадахшон, Яқин Шарқ мамлакатларига сафар қилгани баён қилинади. Машраб қаерга бормасин, унинг келгани барчага аён бўларди. Халқ унинг оташин ва ҳузурбахш шеърларини ёд олиб, Машрабга эргашишга интилган. Машраб халқнинг ўзи билан овора бўлиши учун шариатга ному-

---

<sup>1</sup> «Киссаи Машраб». 93-6.  
3 – З. Исхокова

носиб хатти-ҳаракат содир этган ва руҳонийлар қаҳрига учраб, шаҳардан қувилгач, бошқа манзилга йўл олган:

*Ҳалаф, Шервон билан Шоми шарифнинг  
одамин кўрдим,  
Бухоро шаҳрига бориб, ўтуб ман Тошкон  
кеттим.  
Келибман Шоҳмардон Шеримардонни тавоғ  
айлаб,  
Сарипулу Шивирғон, Андижондин ман Хўқон  
кеттим.  
Қароре топмадим рўйи заминда, Машрабо,  
ҳаргиз,  
Фалакни тай уруб ўттумки, ман чун Ломакре  
кеттим<sup>1</sup>.*

Машраб Ҳиндистонда пири Офок-хўжа билан учрашгач, у ердан Бухорога йўл олган. Бухорода «қўлим Худо, ўзим Муҳаммад» деган сўзлари учун оловга ташлайдилар. Олов ҳам таъсир қилмай, Машраб Қабодиёнга борган ва ўша даврнинг машҳур сўфийси Сўфи Оллоёр (ваф. 1721 й.) билан учрашган.

---


<sup>1</sup> Машраб. Девон. 163-6.

*Топмасак Сұғи изини Каттақұргонда юруб,  
Күши Оллоёр деб азми Хисор истар күнгүл<sup>1</sup>.*

Сұғи Оллоёр үз даврининг мутафаккири, диний ва дунёвий илмлар билимдени, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат денгизининг ғаввоси бўлган. Шеърларида Қуръон оятлари, муборак ҳадис, ислом олами дарғаларининг ҳикматлари ва ибратли ўғитлари акс этгани учун Туркистону Қашғардан тортиб Этел (Волга), Ёйиқ (Урал) дарёлари воҳалари, Хожитархон (Астрахань), Булғор, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халклар орасида ҳам кенг тарқалган эди. Сұғи Оллоёр назарида тош устига қанча күн ёмғир ёғса ҳам, тошдан ўт-ўлан ўсиб чиқмагани, күкармагани каби күнгли тош каби қотган, гуноҳлар ботқоғига ботган, жоҳил, нодон кишиларга насиҳат кор қилмайди, танбеху ўғитнинг таъсири бўлмайди, гүёки улар «кўзлари кўр, кулоқлари кар» кабидир.

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 422-6.



*Насиҳат тингламас дили саҳт маҳжуб,  
Күкармас, тошга ёмгури ёғса ҳам күп<sup>1</sup>.*

«Кисса»да келтирилишича, Сўфи Оллоёр хушнуд бўлиб, Машрабга пешвоз чиқкан ва сұхбат қурганлар. Сұхбат орасида Машраб: «Эй сўфим, дўзахдан мунча қўрқарсиз. Ўзини топқондан сўнг ани қўлидан нима келади. Ҳимматни баланд тутинг», дейди ва ушбу ғазални ўқийди:

*Етти дўзах марди Ҳақнинг олдида гулзордур,  
Қўл тутарға раҳнамо ҳам, марди соҳиб кордур.  
Гар қўлингдин келса, ҳаргиз мурчани оғритмагил,  
Ҳам Худо бандам демас, ҳар кимки дилозордур.  
То тириксан дийдадин ҳаргиз тўкейл оби чашм,  
Дилда дардинг бўлмаса, минг тоатинг бекордур.  
Бўлмагил зоҳидсифат, дунёда бўл марди фақир,  
Кимки ул ҳорис бўлуб, кетти тани мурдордур.  
Машрабо даргоҳи Ҳақ чун роҳи навмиди эмас,  
Ҳақ таоло санга ҳам бир сақлагони бордур<sup>2</sup>.*

Машраб Қабодиёндан Балхга боради. Балх кўчаларида эшакка тескари миниб олиб, куйган кўнгил фироқи-

<sup>1</sup> Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. — Т.: «Мехнат», 1991. 10-б.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 272-б.

даги ишқ номаларини ўқийди: *шўхи ситамкори* (Алло (ҳ) – З.И.)нинг тийра жафоси бечора кўнглини девона қилгани, ишқида зору гадо бўлса ҳам, дилбари маккораси юзини кўрсатмагани, лекин қош ёйи ва киприк ўқи билан кўксини пора қилгани, «булбул гулу гулзорни кўргач, жонини фидо қилгани» каби у ҳам жисми жони билан «ширин санами, маҳваши, ҳурлиқо»сининг казосига розилиги, ул шўхи пайкар ҳажрида ҳаётини нисор этишга тайёрлигини изҳор этади.

Машраб Балх ҳокими Маҳмуд Катағон<sup>1</sup> билан учрашади. Жоҳил уламолар Машраб байтларидағи маҷозий тамсиллар сирини куфрга йўйиб, уни осиб ўлдиришга фатво берадилар. Машраб Мансур Ҳаллож каби дорга осилишини шеърида башорат қилган эди:

---

<sup>1</sup> *Маҳмуд Катағон* – аштархонийлар сулласининг давомчisi, Тоҳаристон, Балх ва Баҳашон ҳокими бўлган.

*Мансури Ҳаллождек ичиб «шаробан ат-тахур»,  
Чарх уриб үйглаб турарман ушбу дам дор  
олдида<sup>1</sup>.*

Машраб 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмуд Катағон фармони билан осиб ўлдирилган ва жасади ҳам ўша ерга кўмилган. Машраб ўлимидан аввал ёзган байтида:

*Қонимни тўқар эмисиши Балх шаҳрида Маҳмудхон,  
Тақдирни азал бўлса, наилай, анга бермай жон?*<sup>2</sup> –

деб башорат этганидек, Маҳмудхон ҳам уч кундан кейин зилзилада том босиб қолиб, оламдан ўтади.

Маҳмудхоннинг ўлимидан сўнг шоирнинг дўст-биродарлари унинг жасадини ўзи васият қилган жойга – Балхдан Ишкамиш шаҳрига олиб бориб кўмадилар. Балх шаҳридаги биринчи қабр рамзий ҳисобланади ва бу «Жавонмарди қассоб» номли машхур зиёратгоҳдир. Машрабнинг мухлислиари уни зиёрат қилиш учун келадилар.

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 53-6.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 218-6.

Бу ерда Машраб руҳониягидан ҳожат тилаб, ўзлари учун руҳий таянч ва маънавий ёрдамчи деб биладилар. Қабрнинг гарб тарафидан чиқадиган шифобахш булоқ сувидан ичиб, ҳовуз атрофидаги дарахтлар соясида назру хайр ўтказиб, дам олишади. Бу ерда Машраб «Шоҳ Машраб» деб улугланади. Унинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги орифона ва риндана шеърлари қодирийлик тариқати издошлари томонидан жаҳрий зикрда оҳанг билан ўқилади.

Ишкамиш – Афғонистоннинг Тахор вилоятида жойлашган Хонобод шаҳридан 30 км узоқликдаги шаҳар, қадимда Вазволин номи билан машҳур бўлган. Ишкамиш шаҳридан бир ярим километр шарқда «Сарібозор» мавзесида Машрабнинг хом фиштдан қурилган икки хонадан иборат мақбараси жойлашган. Хонанинг ўртасида узунлиги уч метр, эни икки метрлар чамаси, баландлиги бир метрдан зиёдроқ сўрисимон мослама

курилган бўлиб, қабр ўшанинг остида экан. Турбат ҳам лойдан ясалган.

Махаллий халқ бу ерни «Марбуди шохи Машраби Қаландар» дейишади. Қабрнинг тепасига араб тилида ёзилган тош лавҳа қўйилган. Унда Куръон суралари ва шоирнинг вафоти санаси битилган. Мақбара деворларига Машрабнинг фазаллари битилган матолар илинган.

## **МАШРАБ ВА ТАСАВВУФ**

Тасаввуф инсонни покликка элтувчи билимлар мажмуидир. Тасаввуф орқали кишилар ислом динининг ботиний ва зохирий гўзаллигини, буюк инсонпарварлик моҳиятини англайдилар. Қалб поклигига эришган, юксак маънавиятли, баркамол шахс нафс исканжасидан халос бўлган кишидир. Тасаввуфда уларни комил инсон дейдилар.

Хўш, нафснинг ўзи нима? Нафс ейишда, ичишда, кийишда меъёрдан ошиш, шунингдек, жохиллик, илмсиз-

лик, манманлик, кибру ҳаво, дунёпастлик, зулм, үғрилик, танбаллик, фуур, тамагирлик, күролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, хасадгүйлик, fazab, кин, адоват, адолатсизлик, умуман, инсон рухи, қалбини қорайтирадиган, инсонни унинг Яратувчисидан узоклаштирадиган барча ёмон иллатлар мажмуидир. Нафсни жиловлаш, нафс амрига бўйсунмаслик, нафсга асир бўлмаслик ҳақида Куръони каримда ҳукмлар бор. Ҳадиси шарифда ҳам бу борада кўрсатмалар берилган. Нафс инсоннинг хавфли душманидир.

Нафс гирдобига тушган инсон қандай мавқе ёки даражада бўлмасин, маънавий ва жисмоний тубанликка, ҳалокатга маҳкум бўлади. Инсон камолот даражасига муттасил тоат-ибодат билангина эмас, балки ўз нафси ни енгиб ҳам эришади:

*Шұхрат айлаб ким алардек худнамоларни  
күрунг,  
Зоҳири сувратпараст ноошноларни күрунг.*

*Зоҳирида сўфийман деб, марки дунёй айлаган,  
Ботини дунёга мойил баҳти қароларни кўрунг.  
Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,  
Нафс учун шайтон билан бўлган гадоларни  
кўрунг.  
Шуҳратим оғат бўлур деб Машрабинг қўл  
олмади,  
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўрунг<sup>1</sup>.*

Нафсни енгиш қуроли эса пок ишқидир. Ишқ инсонга мислсиз куч-кудрат, файрат-шижоат беради. Ишқ деганда меҳр-муҳаббат, мурувват, саҳоват, эзгулик, ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, хокисорлик, адолат, сабр, қаноат, файрат, камтарлик, ҳалимлик, мардлик, хаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман, инсон қалбини поклашга хизмат қиласидиган, уни ўз Яратувчисига яқинлаштирадиган барча эзгулик ва поклик тушунилади. Зеро, покиза сўз ва маънолар дард ва муҳаббатдан туғилади. Ишқнинг манзили инсон кўнглидир. Кўнгил ишқ туфайли покланади. Покланган кўнгилдаги ишқ илохий моҳият касб

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 74-б.

этади, яъни ишқ инсонни юксалтиради.

*Ломаконнинг шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,  
Анбиёву авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.  
Мустафонинг нуридин ёзилди «Шамси ваз-зухо»  
Нурига сажда қилиб, маънини пайдо қилди ишқ.  
Жилвасини кўрсатиб, зоҳирда элга ранг-баранг,  
Ору номусдин кечиб, оламга гавго қилди ишқ.  
Билдию эшитти Машрабнинг қарори йўқ экан,  
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ<sup>1</sup>.*

Машраб шеърларида одам зотининг асосий нуқсони «нафсу ҳирс балоси»га мубтало бўлганлигини, бу нуксон уни илохий фазилатлардан маҳрум этиб, ахлоқан тубанлаштириши, ўткинчи майл-истакларни уйғотиши, инсоний хислатлардан, ҳакикат, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиришини айтиб, «нафс аждахоси» комидан халос бўлганлар учун факат Аллоҳ – Ҳақ ҳакикатдир, деган қарашни илгари суради. Шу боис инсоннинг Аллоҳни севиши, унга ошиқлиги бўлиши, комил инсон бўлишга астойдил интилиши, бу

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 325-6.

машаққатли йўлда барча уқубатларга чидаши талаб этилади. Барча яхшилик, эзгулик — Аллоҳдандир, бинобарин, уни севган киши ўз яқинларини, ота-онасини, эл-юртини, одамларни ҳам севади. Тасаввуф оламида шеъриятнинг нуфузи ўзига хос булиб, илоҳий ишқ майидан сархуш булган шоирлар завқу шавқини мажозий тимсоллар орқали тасвирлашга ҳаракат қилгандар. Машраб шеъриятининг ғоявий, ахлоқий, фалсафий, ирфоний замини ҳам тасаввуфдир. Машраб инсоннинг мавқеи-даражасига унинг тўкин ҳаёти, моддийликдан эмас, аксинча, инсоннинг ахлоқий гўзаллиги, юксак маънавий фазилатларидан келиб чиқиб ёндашади.

Машраб илоҳий ишқ куйчисидир. Машраб ана шу илоҳий ишқ девонаси булиб, қалбида кечаётган түғёнларни қандай бўлса, шундайлигича қайноқ шеърлари орқали изхор этади. Унинг сўзлари мисоли лахча чўғ, ёндиргувчи олов, оху ноласининг чегараси йўқ, шоирнинг ишқ дардидан олам ларза-

га келади. Машраб шеърларини ўқиш жараёнида унинг кўнглида кечаётган шавқ, завқ, мажнунлик, бетоқатлик ва «*ўз аслини топишга интилаётган қалб нолалари*»ни юракдан ҳис этиш ҳамда банданинг худога бўлган хақиқий ишқи қандай бўлиши англаради.

Машраб шеърларини «дарднома», кўнглини эса «ҳасратхона», «жароҳатхона» деб атайди. Машрабнинг дарди бир бурда нон топиш умидида юрган, мансаб-амал учун жонини жабборга берадиган киши дарди эмас, шавқ ва изтиробда тунларни бедор ўтказиб, кўзларидан қонли ёшлар тўккан, Аллоҳга интизор юракнинг нолаю фифони, илоҳий муҳаббат дардидир:

*Ман нола қилай шому саҳар дод, эшигингда,  
Жонимни бераӣ, шўхи паризод, эшигингда.  
Ул лолаву раҳону суман, тоза қизил гул  
Ҳам сарв букулди, қади шамшод, эшигингда.  
Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,  
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.  
Савдоийи муҳаббатга тушубман сени излаб,  
Ўлтурди гаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.  
Ашким тўкубон ҳажру гамингда кеча-кундуз,  
Вайронা ватан – манзили обод эшигингда.*

*Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда<sup>1</sup>.*

Бу дарднинг давоси Аллоҳ васли, тавҳид ва фано бўлиб, инсонни бу мартабага ишқ олиб боради. Машраб талқинида ишқ барча мушкул ишларнинг калити, инсоннинг ҳақиқий халоскори, вужудни покловчи олов, иксирни аъзамдир. Машраб учун максад Ҳаққа етишмоқ, мохиятга етиш йўли эса ишқдир. Машрабнинг шеърияти ишқнинг тафсири, ўз аслидан ажралган рухнинг нола ва изтироблар оламида ўзлигини топишидир. Машраб инсонда илоҳий фазилатни кўриш ва севищни, рух ва жисм талаблари орасида азобда қолган инсонни кутқаришни, фисқу фужур гуноҳларини муҳаббат ўтида куйдиришни ният қилган.

Машраб талқинига кўра, барча яхшилик ва эзгулик худодан, шунинг учун худони севган инсон ер юзидағи барча нарсаларни, ёру биродари, ота-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 49-б.

онаси, эл-юртини севади, карамли ва  
саховатли бүлади. Машраб нопоклик  
оламидан поклик оламига, ҳайвоний  
хирс ва нафс қутқулари оламидан  
илохий оламга күтарилиш учун мало-  
матийлик тариқатининг қаландарлик  
харакатига қушилади. Бундан асл му-  
род илохий ишқ ҳосил қилиш эди.  
Машраб қаландарликнинг биринчи  
шарти ваҳдат майидан қониш деб  
билган.

*Нигорим васлини излаб, талабда бир  
қаландарман,  
Кечиб дунёйи фонийдин, талабда бир  
қаландарман.  
Худодин келса бу фармон, лаҳаддин бош  
күторгил деб,  
Кафанни бўйнума чулгаб, талабда бир  
қаландарман.  
Бошимдин то аёгимга туташти хирмани оташ,  
Солиб ҳар ерда бир гулхан, талабда бир  
қаландарман.  
Кетар Машраб бу дунёдин, кафан олуда хун  
бирла,  
Коним Балх шаҳрини бўяб, талабда бир  
қаландарман<sup>1</sup>.*

---

<sup>1</sup> «Қиссаи Машраб». 136-6.

Аксари тадқиқотчилар Машрабдан инқилобчи, исёнкор ясамоқчи бўлиб, Машрабнинг шеърларини ижтимоий хаёт ҳодисотлари билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Машрабни «исёнкор шоир сифатида зулм ва разолат илдизларини қирқиш учун ёвузлик ва ёмонликка қарши қалқон бўлиб, амалдорларнинг кирдикорларига қарши ўз нафратини билдирган, шунинг учун қаландарона ҳаёт кечирган» деб таърифлаганлар. Аслида қаландар тасаввуф йўлига кириб, хайр-эҳсон билан кун кечиравчи киши бўлиб, зикр ва самоъ орқали Аллоҳга руҳан яқинлашиб, факру фано дараҷасига эришиш ва хақиқатга етиш учун ўз жисми ва қалбини поклашга интилган. Қаландар ўз муршидининг (пирининг) кўрсатмаларини сўзсиз бајариши шарт бўлган. Шоир бу ҳакда шундай ёзади:

*Муродингга етай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл.*

Оғиздан дур сочай десанг, шароби ишқ ичай  
десанг,  
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл.  
Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай  
десанг,  
Жаҳонни сайд этай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл.  
Разолат куйдурай десанг, залолат ўлдурай  
десанг,  
Ҳаммасин супурай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл.  
Гуҳаррезлик қиласай десанг, ҳамани кулдурай  
десанг,  
Чу Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл,  
қаландар бўл<sup>1</sup>.

Машраб халқ ичида юриб қаландарлик билан шухрат қозонган. Күнгилни қаландар тутиш, дунё ва нафс ҳавасларидан холи бўлиб, ҳамиша Аллоҳ зикри билан машғул бўлиш ва худо буюрган эзгу амалларни ўз ҳаётининг мазмунига айлантириш қаландарларнинг асосий маслаги бўлган. «Қаландар Машрабингман, икки оламни ўттим» дейди шоир. Машрабни Раҳимбобо, унинг ота-

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 124-6.

сини Валибобо дейилишининг сабаби ҳам қаландарликка бориб тақаладики, қаландарлар ўз пиршайх, раҳнамоларини «бобо» деб атаганлар. Қаландар ҳар қандай боғланишлардан, расмиятчиликдан холи, озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатларни халқдан яширинча амалга оширадиган, халқнинг маломат қилиши учун айрим ношаръий амалларни қилишдан тоймайдиган, иззат-нафсини хор қилалигидан барча амалларга тайёр, шу билан Аллоҳ ризолигига эришишни орзу киладиган сўфийдир.

Қаландарлар бир-бирлари билан «абдал тили»да сўзлашганлар, махсус соч кўйиб юрганлар. Уларнинг махсус кийимлари – кулоҳ (бош кийими, қалпок), далқ (дарвешларнинг жундан тўқилган кийими), камар (белбоғ), асо (ҳасса), качул (кашкул, қаландарлар белига осиб юрадиган қовоқдан ясалган ва сув ёки егуликлар солинадиган бели сиқиқ, копкоқли, ўйма нақшли чепаксимон махсус идиш), каду-матбах (сувқовоқ, овқат солинадиган идиш)

дан иборат. Уларнинг масканлари шаҳар ёки қишлоқ ташқарисида бунёд этилган қаландархоналар бўлган. Қаландарлар эса шариат амалларини тұғри бажарган ҳолда, шариат ахлиниң мутаассиблиги, турли бидъатларга ўралиб, шаклпарат бўлиб қолган мулла, эшон, имом-хатибларнинг устидан кулганлар, уларни «зоҳирбинлар» деб атаганлар.

Мутасаввиф олим Н. Комилов сўзлари билан таърифлагандан, «*Машраб калтафаҳм, кеккайған хону бекларни, манман кимсаларни, зоҳирбин бетавфиқ руҳонийларни ҳажв этиб, Аллоҳ олдида шоҳу гадо баробар, деган ақидани олдинга сурган*». Машраб ўта ростгўй, сохталикни ёқтирмайдиган, чўрткесар, ҳақ гапни айтишда ҳеч нарсадан тоймайдиган одам бўлган, юраги бир парча оловдек ёниб турган. Машраб дейди:

*Агар марди дурустсан, ҳужраи дил посбони бўл,  
Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл.*

Машраб қаландар бўлса ҳам, нақшбандийлик ва яссавийлик тарикатининг турли ўлкаларга ёйилишига катта хисса қўшди. Ҳақ ва ҳакиқатни таниш ва унга фидо бўлиш Машрабнинг юксак орзуси эди. У ана шу юксак муддао йўлида Ҳақни талаб қилди, уни таниди. Умр бўйи Аллоҳни севди, Унинг ишқи билан ёниб яшади ва шу эътиқодининг қурбони бўлди.

## «МАЪРИФАТДАН БЕХАБАРСАН, ГАВҲАРИМНИ КОВЛАМА»

Буюк мақсадларга инсон маънавий, сиёсий, хуқуқий оламининг муҳим омилларидан бири — маърифат орқали эришилади. Чунки онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат маърифат билан бойитиш мумкин. Зеро, «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатdir»<sup>1</sup>. Маърифат

<sup>1</sup> И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. 135-б.

атамаси «ўзини билмоқ, танимок» деган маънони англатади. Тасаввуфий истилоҳда Аллоҳни таниш, Ҳақни билиш илми ҳисобланади. Маърифат – инсоннинг ўзлигини англашидир. Маърифат тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давоми бўлиб, инсон маънавиятининг кундан-кунга ортиб, коинот ва табиат илм-ҳикмати, шунингдек, инсоний ва илохий сирлардан хабардор бўлиши орқали намоён бўлган. Аллоҳнинг 99 исми сир-асрорини билиш маърифатнинг мағзини ташкил этган.

Маърифат орқали нарсаларнинг яширин (сирли) мохияти, илоҳийлиги англашилган, яъни илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъоми ҳисобланган. Орифлар «кимки ўзини яхши таниса, Парвардиғорини ҳам, албатта, танийди»<sup>1</sup> ҳадисини шарҳлаб, инсон ўзининг тузилиши, жисмоний ва руҳоний вужудини

<sup>1</sup> Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. 156-б.

ўрганса, Аллоҳнинг улугъ ҳикмати ва бекиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга, ўзидағи камчилик ва хатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканига ишонч ҳосил қиласи, дейдилар. Зоро, «Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб ҳикматлар ва сирасорлар бордир»<sup>1</sup>.

Маърифат водийсида оламнинг бепоёнлиги, ихтилофлар, зиддиятларга тұла эканлиги, тараққиёт ва таназзул бирга эканлиги, хилма-хил интилишлар, ниятлар, орзу-армонлар мавжудлиги ва тұқнаш келиши, доно ва но-дон, улугъ ва кичик, зулмат ва нур аралаш-қуралаш эканини англайди. Минглаб йўлларни мушоҳада этади ва ўзи танлаган йўл энг түғри, ҳак йўл эканига иқрор бўлади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Мұҳаммад ал-Фаzzолий. Ихёу улум ид-дин. Мұхабbat, шавқ, унс ва ризо китоби. 148-б.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Насрий баён билан бирга. — Т.: Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 401-б.

Маърифатга олиб борувчи билимлар ақлий-ҳиссий, ҳол илми ва сирр ул-асрор илмига ажратилган. Биринчи илм зоҳирий илмлар билан шуғулланадиганлар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилиган сўфий ва орифлар илми, яъни важд, завқ ҳолатида каشف этилган илмлардир. Учинчи илм авлиёлик илми булиб, маърифат ахли илмларни тўғридан-тўғри Аллоҳдан олганлар, илмлар шуъла, нур кўринишида қалбларга жойлашган. Машраб ана шу илмдан баҳраманд бўлган зотдир.

Машраб «инсоннинг кўнглида иложий маърифат чирогини ёқувчи Аллоҳнинг ўзи» деб билган. Унинг жазба ҳолида айтган сўзлари маърифатдан бехабар, факат зоҳирий билимларга таяниб иш кўрадиган мутаассиблар томонидан шаккоклик ва худосизлик деб тушунилган. Шунингдек, Машрабнинг масжид ва бозорлардаги айrim хатти-ҳаракатлари шариат низомига зид деб ҳукм қилинган. Машраб қози ва уламоларга қаратса «маърифатдан

*бехабарсан, гавҳаримни көвлама*» дея хитоб қилганда қанчалик ҳак бўлган.

Хўш, риёкор шайх, қози ва уламолар ким?

Машраб талқинида улар шундай тоифаки, ўзини халқка яхши ва чиройли кўрсатишга интилади, худди олтин қопланган мис каби усти ялтирок, ичи қалтироқдир. Уларнинг ташқи кўриниши дин ҳимоячиси каби, ичлари кир ва булғанч, ҳар бир хатти-ҳаракатларида тама мавжуд. Намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳажга боришдан мақсади элга ўзини кўз-кўз қилиш, туну кун қулида тасбех ўгириши кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Уларнинг ички маънавиятлари бўшлиқдан иборат.

*Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ ила.  
Рост сўз айтсанг уларга, зарра қилмаслар  
қабул,  
Куфр айттинг, деб урарлар, неча озорлиг ила.*

Улар ўзларини пок қилиб кўрсатганлари билан иши мусулмонларни

диндан бездириш ва бу ишларининг  
кабоҳат эканини билмайдилар, вужуд-  
ларини фафлат пардаси ўраб олган-  
дир.

*Мани кўрса қочодур шайхулислом Аҳраман<sup>1</sup>  
янглиғ,  
Нечун, бўйнумга зулфи тори чирмашган  
туморим бор<sup>2</sup>.*

Машраб дин номидан ҳукм чи-  
қариб, ўзлари учун ҳамиша «йўл»  
топган ришваҳўр, дилозор, зоҳирига  
қараб ҳукм чиқаргувчи, риёкор мулла  
ва эшонларнинг ўзлари билан ўзлари  
овора бўлиб қолганларини, уларнинг  
имонини имонсизлик, динпастли-  
гини динсизлик, тақвадорликларини  
кўзбўямачилик, деб рўй-рост айтган:

*Жаҳон шайху кибори, олиму муфтию қозиси –  
Ҳама ком топди дунёда, бараҳна,  
беватан келдим<sup>3</sup>.*

---

<sup>1</sup> Аҳраман – Марказий Осиё халқларининг  
қадимги дини – зардуштийликдаги ёвузлик тим-  
соли бўлган девларнинг бошлиғи. Бу ерда Маш-  
раб шайхулисломни ана шу девга ўхшатмоқда.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 260-6.

<sup>3</sup> Машраб. Девон. 145-6.

Машраб халқни жаҳолат ва қўрқувда саклашдан манфаатдор бўлган мутаассиб руҳонийларнинг риёкорликлари, адолатсизликларини нафрат билан ошкор килган. «Қиссаи Машраб»да ривоят қилинишича, Машраб масжидда имомга иқтидо қилиб намоз ўқиётганда, намознинг ўртасида бехосдан «жўқ, жўқ» деб юборади. Имом намозни тутатгач, Машрабга дағдаға қилиб, намозни бузиб, бошқатдан ўқигани сабабини сўрайди. Шунда Машраб: «Санинг гаразинг бузук, намоз ичида «бузоқ онасини эмиб қўймадимикин» деган хаёлга бординг, шунга кўра мен намозни бошқатдан ўқидим», деб имомга жавоб беради.

Машрабнинг дил нолалари дунё-параст ҳокиму жоҳил уламоларга ёқмаган, шеърлари уларни тубсиз тахликага солган. Ризқ-рўзи қорнига битган, маърифатдан бегона, «ўз нафси билан саргардон» кишилар Машрабни «девона», «мажнун», «телба» деб масхара қилишдан нарига ўтмаганлар.

Машраб шеърлари маърифат дар-  
галари учундир, зеро, Машрабнинг  
ўзи «дардларимни дардсизга айтманг»  
деб илтижо қиласди. Унинг шеърлари  
руҳ хасталиги ва қалб гумроҳлигига  
қарши қалқон бўлиб хизмат қиласди.

Машраб шеърияти мисоли ёмғир  
қақраган чўл-саҳроларга ҳаёт бахш эт-  
гани каби ўлик қалбларни тирилтирув-  
чи, инсоннинг ўзлигини англаш, шахс  
ва жамият, одам ва оламни теран му-  
шоҳада қилиб, бир умр ишқни таран-  
нум этган ва ишқ дарди билан яшаб  
ўтган Ҳақ бандаларининг кунгил сирла-  
рини очувчи калитдир. Шоир дейдикি:

*Тикансиз гул, садафсиз дур, мاشаққатсиз  
хунар йўқдур,  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас!*<sup>1</sup>

## «ШУҲРАТИ ШЕЪР БОБИДА МАШРАБИ МЎѢТАБАР ЎЗУМ»

Машраб ўз асарларини жамлаб,  
девон тузган эмас. Унинг шеърлари  
ихлосмандлари ва шогирдлари томо-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 295-6.

нидан китобат қилинган. Шунингдек, Машрабга бағишлиланган қисса, баёзлар оғиздан-оғизга ўтиб, кейинчалик халқ китоблари шаклида бизгача етиб келган. Машраб ғазалларига «Машраб», «Шоҳ Машраб», «Машраби телба», «Девона Машраб» каби тахаллус кўйган. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Ҳакиқатан ҳам, Машрабнинг кўнгилга куйилиб келаётган куйдиргижон илохий завқ, жазба, руҳий кечинмава изтироблари ипга терилган маржон кабидир.

Сўз мулкининг султони, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийдан кейин Машраб ўз шеърларида яна бир бор туркий назмнинг нақадар буюклиги ва ўлмаслигини кўрсатган. Машраб маънавий пирлари бўлган Иброҳим Адҳам ва Мансур Халложни фойибдан пири комил деб билган. Ижодда Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имодиддин Насимий йўлидан борган. Имодиддин Насимиининг «Манга сиғар икки жаҳон, ман бу жаҳона

*сигмасам»* ғазали Машраб ҳақида айтилгандек гүё.

Машраб Лутфий, Навоий ғазалларига назиралар ёзган, мухаммаслар боғлаган. Оташнафас шоирнинг ижодий мероси бизгача мукаммал етиб келмаган бўлса ҳам, машрабшуносларнинг саъй-ҳаракати туфайли унинг турли даврларда ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарлари намуналари топилди.

Машрабнинг адабий меросини тиклаш борасида самарқандлик машрабшунос, фидойи инсон, мумтоз шеъриятнинг нозикфаҳм билимдони Ж. Юсуповнинг хизматлари бекиёсдир. У Машраб ҳақида ёзилган бир неча қўлёзма нусхаларини солиштириб, қиёслаб, турли баёзлар, қиссалар, манбалар ичидан ҳозиргача маълум бўлмаган шеърларни ҳам топиб, 1990 йилда «Мехрибоним қайдасан» номи билан нашрга тайёрлади. Шу билан бирга, Машраб асарларининг аввалги нашрларида йўл қўйилган хатоларни бартараф этди, шоир ижодининг янги қирралари таҳлил этилди. Бу

эса Машраб ижодини ўрганишда янги саҳифаларни очди.

Машраб ғазалларининг асосий мазмуни муҳаббат, ошиқнинг кечинмалари, айрилик азоблари, висол шодлиги кабилардир. Машраб ёр васли умидида «шому сахар» нола қилишдан чарчамайди, ишқ юракларини садпораю девона қилганини айтиб, ўзини маърифат бозорининг девонаси, икки жаҳонга ҳам сифмаган, икки дунёни ҳам назарга илмаган, бир охи фифони билан жаҳонни куйдиргувчи, ёр дийдорининг ҳайронаси, ишқ ахлининг султони деб таърифлайди:

*Жамолинг согиниб шому сахар ман зор  
йигларман,  
Жунун сахросида девона-мажнунвор йигларман.  
Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тұла қон  
окти,  
Агар ёдимга тушсанг, эй пари рухсор, йигларман  
Кўрай деб орзу айлаб жамолингни, ман, эй зебо,  
Турубдурман эшигингда, аё гамхор, йигларман<sup>1</sup>.*

Машраб «дилрабо дардида Мажнуни шайдодек гадо бўлгани, кечаю

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 190-6.

кундуз ёрининг эшигиде фигон қилса ҳам, бенаво бўлгани»ни айтиб, табиблардан дардига даво сўрайди. Табиблар уни нодонга чиқариб, «бу дардинг давоси бедаво» эканини айтадилар:

*Агар ҳар қайдада бўлсам ҳам ман кўнгул сандин  
жудо бўлмас,*

*Магар минг йил наво қилсан, санинг дардинг  
адо бўлмас.*

*Тиларман васлини тинмай неча йиллар  
юруб сарсон,*

*Бориб айтинг ўшал ёрга жудолигдек бало  
бўлмас.*

*Халойиқларки айтурлар: «Бу дардингга даво  
йўқму?»*

*Ўзидин ўзга, эй дўстлар, манга ҳеч бир даво  
бўлмас!*

Мустазод оҳанги мақомлар оҳангига мос тушгани учун шоирлар, мақомчилар ва шинавандалар орасида машҳур бўлган. Фазалга ўхшашибекин вазн охирига икки рукининг кўшилиши қалб тўлқини, қайноклигини янада ошириб, ўқувчи қалбидаги ҳая-

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 296-6.

жон ҳиссиётини пайдо қилган. Машраб рухиятидаги ҳарорат, «исёнкорлик», қайноклик, гүзал қочиrimлар муста- зодда яккол күринади. Машраб «ёри- нинг күз учи билан унга боққанига ҳайрон, бир қошини қоққанига сарсон, ишқ савдосида нолон, ҳушидан айри- либ гирён, ишқ ўтидан тили бурро, сабр саҳросида тобон, жонини олиб, ишқ кўйида девона қилганига қурбон» бўлиб, ишқ ўти расво айлаб, девонаю парвона бўлгани, Ўзидан бошқа барча нарсалардан бегона бўлгани, ғам да- штида сарсону ғамхона бўлгани, унинг ҳолидан хабар олгувчи Ўзидан бошқа йўқлигидан дили вайрона бўлганини, ишқи ўтида куйиб кул бўлганига руҳи равонининг парвойи палаклигидан ху- ноб эди:

*Ногоҳ қўрунуб кўчада ул сарви хиромон,  
қош қоқтиву кетти,  
Кош учида имо қилибон жуббаси ларzon,  
бир боқтиву кетти.  
Ул шўх pari, кўзлари офат, сўзи оташ,  
ҳай-ҳай не жавоҳир,  
Бир шева қилиб этти мани ўзига ҳайрон,  
хуш ёқтиву кетти.*

*Юз жилва билан борур эди күчада ул шұх,  
багримни қилиб қон,  
Минг таъзим билан ман қолибон волаву  
хайрон, зор эттіву кетти.  
Ул зулғи паришон үйидин чиқса бақбор.  
Ман шукр этадурман.  
Минг жоним агар бүлса қилаі ман анга құрбон,  
үт ёқтиву кетти.  
Машрабни бу дүнёда хароб этгап үзүнгсан,  
эй күзлари шахло.  
Айди сүзини, ёйди бу дүнёга фаровон,  
дод эттіву кетти<sup>1</sup>.*

Машраб шеъриятида мураббаъ күпроқ худога нолаю илтижо қилиш, ҳамду сано айтишга бағишиланган. Машраб тараннум этаёттан ёрини «нозик нихолим, бодом қовогим, ҳамча қош, чучук сүз, тотлуқ лаб, қаро қошлиғ, зилол чашма юзлик» деб таърифлайды ва үзини «турлук-турлук жилвасига» жонини беришга тайёр ошиқ деб билади. Машрабнинг ишқ мактуби шу қадар жозибалики, маъшуқасининг юзини күрмай девона, халқи жаҳондан бегона бүлади, қўксининг охи тошларни ёради, ёр

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 334-6.  
5 – З. Исҳокова

кўйида қонлар ютиб, ҳасратга тўлади,  
кўксининг дардларини тошга битади,  
изтиробдан бошини тошларга уради,  
ишқ шаробини ринд каби ичади, дард  
ғамидан юраклари қон бўлади, ҳас-  
ратлари ҳамиша унга ҳамроҳ ва буни  
«бод» (шамол, ел)га айтиб, ёрга сало-  
мини етказиши қайта-қайта сўрайди:

*Ҳижронда Машраб афғон этадур,  
Багрини чандон бирён этадур.  
Кўзини ҳар дам гирён этадур,  
Эй бод, еткур ёра саломим!*

Машраб шеъриятида шоирнинг ёр-  
га интизор қалб нолалари мужассам  
бўлганки, унинг «Бўлмасун ҳеч ким»  
номли мухаммаси шоирнинг таржимаи  
ҳолини ифодалаб бераётгандек тасав-  
вур ҳосил қиласи. Машраб ўз ҳоли-  
ни бошқага раво кўрмайди ва ҳеч  
кимнинг «интизору йўлда ҳайрон,  
кўкарганда қуриб ер билан яксон»  
бўлишини хоҳламайди.

Машраб тун-кун кўзидан ёшлар  
окизиб, бағри тўла қон, ёри унинг аф-  
тода ҳолини сурашига интизор, ишқи

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 356-6.

табиби даволашини, күзларидан нур кетиб, дарддан қадди «нун» бүлгани, үзидек ахли дарларни қидириб тополмагани, дил розини эшитадиган, юраги дафтарини ўқийдиган дүст-биродари йўклигини, ёр васлида ўлимдан бошқа даво тополмаганини айтади:

*Аэиз, хушвақт эдим, охирги дамда хор  
бўлганман,  
Юрак-багри туташган, гам билан бемор  
бўлганман.  
Кишим ўйқ сўргудекким, минг балога ёр  
бўлганман,  
Бу бекасликда мандек хонавайрон бўлмасун  
ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, багри тўла қон бўлмасун  
ҳеч ким<sup>1</sup>.*

Машраб ижодий маҳоратининг ёркин намунаси мусаддасда акс этган бўлиб, шоир дил розини янада гўзал ифодаларда тасвиirlайди. Машраб ёрига нола қилиб, «ўзга юзга боқма деб, кўзимга мих қоққанмисан, қатл этарга қасд этиб, багримга тиг чопқанмусан», деб ёрининг жафосидан

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 452-6.

куйиб-ёнади. Айни дамда шунча азоб берган ёрининг жафосини унутиб, уни сийлашга, гўзал сўзлар билан юпатишга ҳаракат қилади:

Жонни юэ минг пора қилди, дилрабо,  
нозинг санинг,  
Элни қурбон айламакдур кунда андоzinг санинг,  
Ўлдурурга, тиргизурга йўқтур анбозинг санинг,  
Эл сўзингдин жон топар – жондурки алфозинг  
санинг,  
Шарҳ қил, жонон, надур ҳуснунгга парвозинг  
санинг?  
Ўргулай, эй дилрабо, ё жонмусан, жононмусан<sup>1</sup>.

Машрабнинг мусаббаси панд-насиҳат тарзида ёзилган бўлиб, шоир суннатга амал қилиш, тама қилмаслик, дунё лаззати учун иймонни сотмаслик, диний аҳкомларни бажаришда сусткашлик қилиб, фафлатда қолмаслик, дўзах азобидан халос бўлиш учун ҳозирдан охират экинзорини обод қилишлик, шайтон йўлидан юрмаслик, нафс йўлидан юрмасликни тарғиб қилиб, «қиёмат куни пайғамбари Ҳак олдида уялиб қолмас»ликка ундейди:

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 523-6.

Тамаъ нонига чун арзанча бўлса даст  
узатманглар,  
Набийнинг суннатин маҳкам тутинг бидъатга  
қайтманглар,  
Бу дунё лаззати деб гавҳари иймонни  
сотманглар,  
Худонинг қаҳридан айланг ҳазар чап йўлга  
қайтманглар,  
Худо: «Кел банда!» деб чорлайдур, гафлат  
бирла ётманглар,  
Қиёмат кун Расулуллоҳнинг олдида  
үётманглар,  
Мабодо қўрқаман тарсо сифат олдида дўзахга  
кетманглар<sup>1</sup>.

Машрабнинг яна бир мусаббаъси «жонининг маҳбуби» мадҳига бағишланган. Шоир ёрининг қилган жафоларини жонининг роҳати деб билади:

Гулгунчайи нозик баданим, лолаузорим,  
Шамшод қадим, сийм таним, чашиби хуморим,  
Ҳусн мулкини султони ўзинг – шоҳисуворим,  
Кел олдима, жон садқа қиласай сенга, нигорим,  
Ҳам сабру қарор қолмади, ҳам дилда мадорим,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат<sup>2</sup>.

Машраб Аллоҳга бўлган ўта кучли муҳаббат туфайли завқ-шавқ ва

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 532-6.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 533-6.

бехудлик ҳолатида айтган шеърлари мафтункордир. Машраб ўзини гулшан ичра сайроки булбулга, туну кун Аллоҳ васлига етиш умидида оҳу нола чекувчи ошиққа ўхшатади.

Девондаги шеър ва ғазаллар бадиий юксаклиги, хис-туйғуларнинг фавқулодда жүшқинлиги, ҳалқ ижодига хос бўлган маъно ва манзараларга бойлиги, фикрларнинг самимийлиги ва беғуборлиги билан асрлар оша минг қиррали олмос каби товланиб, мунаvvар ёғду таратмокда.

## **«АГАР ОШИҚЛИФИМ АЙТСАМ, КУЮБ ЖОНУ ЖАҲОН ЎРТАР»**

Мухабbat маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кучли түғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, кудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талпинишdir.

Тасаввуф адабиётида ишқ марказий тушунчалардан бири бўлиб, унинг икки тури мавжуд. Биринчиси, ма-

жозий ишқ – Аллоҳ томонидан яратылган барча махлукот ва мавжудоттарга – инсонга ва бутун борликқа нисбатан меҳр-мухабbat түйғусидир. Мажозий ишқдаги ёр инсон бўлиб, унда жамики пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, ота-она, фарзанд, айниқса, гўзал қиз ёки мард йигит ёр тимсоли бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишқ – бутун оламлар яратувчиси бўлган, пок ва қудратли Аллоҳни таниш, билиш, англаш ва У билан бирлик түйғусидир. Ҳақиқий ишқ тимсоли – Аллоҳдир.

Машрабнинг «Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар» деган байтини «шоир руҳининг овози» деб таърифлаш мумкин. Шоирнинг руҳи икки жаҳонни ҳам бағрига сифдира олади. Машраб илохий ишқдан шударажада сармаст бўлганки, уни ошкор қилишни ҳам, яширишни ҳам удалай олмайди.

*Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону  
жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул  
хонумон ўртар.*

Кишига ишқ үтидин заррайи түшса  
бұлур гирән,  
Бұлур бесабру бетоқат, юрак бағри  
хамон үртар.  
Нечук тоқат қиласай, дұстлар, бу дард бирлан  
бұлуб ҳайрон,  
Ғамим бошқа, алам бошқа, юракимни  
ниҳон үртар.  
Бу Машраб дардини, ё Раб, ки ҳеч ким  
бошиға солма,  
Агар Маҳшарда ох урсам, биҳиши  
жовидон үртар<sup>1</sup>.

Ошиқликнинг бош сифати үзидан  
ва барчадан бегоналиқ бұлса, Маш-  
раб ишқ йүлида нафақат үзини унуган,  
балки барча нарсадан кечиб,  
«ул пари-пайкар» хаёлларига фарқ  
бұлган. Машрабнинг ошиқлиги шу  
даражадаки, унга дашном берішдан  
құрқмайды ва уни «золими хунхор,  
шүхи ситамкор, дилбари айёр», деб  
суйиб әркалайди.

Машраб ижодида Аллохга мұхаб-  
бат ва Унинг васлиға етиш етакчи  
үринде туриши юқорида таъкидлан-  
ған әди. Машраб қалб туғёнларини

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 249-6.

изхор этишда турли рамз-тимсоллар, тушунча-иборалар, масалан, «ишқ», «муҳаббат», «ёр», «жонона», «гул», «май», «бода», «висол», «маҳбуб», «маъшуқа», «дўст» кабилардан фойдаланган.

Ишқ – «соликнинг буроқи, йўловчиларнинг улови». Зеро, ақл эллик йил муттасил харакат қилиб эришган муваффакиятларни ишқ бир лаҳзада култепага айлантиради ва ошикни пок этади. Машрабнинг ишқию ошиқлигини, унинг руҳини англаш, юрагининг туб-тубида яширинган сирли изтиробларини илғаш машрабона ҳаёт тарзига мұяссар бўлади. Яъни, Машраб руҳидаги юксаклик, унинг дарду ҳасратлари ҳақидаги тасаввурлар Машраб дунёсини бутунлай қамраб ололмайди, унинг ҳар бир шеъридаги тасвир Машраб бошидан кечирган ҳолатни акс эттиради. «Булбулнинг дил нолалари гунча қалбини қон қилди, одам маъшуқни шунчалик танг аҳволда сақлар эканми? Кўп чамани кезиб, Машрабнинг дилгунчаси

*очилмади, қачонгача ул ёри бадкир-  
дор ошигини дилтанг сақладый?»*

Машрабни англаш учун Машраб булиш керак. Машраб учун ишқ — озодлик. Ишқ уни дунёғами ва у билан боғлиқ тушунчалардан озод қилгани билан худога қаттиқ боғлаб күяди. Чунки ошиқлик — бандалик-нинг энг олий (ҳаддан зиёд) күри-нишидир. Машраб озодлик деганда — ёлғиз худога боғланиш, деб анлаган.

*Ажаб Мажнун әрурман дашт ила сахрога  
сигмамдур,  
Дилим дарёйи нурдур, мавж уруб дунёга  
сигмамдур.  
Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам  
мангадур мавжуд,  
Чу султони азалдурман, ки Ариши  
аълога сигмамдур.  
Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман,  
гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастманки, истигнога  
сигмамдур.  
Гаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин,  
гоҳи тарсоман,  
Не кавнайна, миёни лову иллаллога сигмамдур<sup>1</sup>.*

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 276-6.

Шоир Мажнун каби ошиқнинг руҳи макону замонга сифаслиги, у бу тушунчалардан ташқарида эканлиги, ошиқ руҳи балқиб, порлаб туриши, у икки дунёга ҳам сифмай, икки дунёни, Арши аълони, фалак ва малаклар оламини ҳам қамраб олишини, чунки унинг ошиғи — Яратувчи сultonи азал, яъни ҳамма нарса Ундан ва Унга қараб бориши, ҳамма нарса ўзгариши, ривожланиши, тараққий этиши, пайдо бўлиши, йўқ бўлиши, худо эса ўзгармаслиги, ҳамма нарса тугаса ҳам, тугамаслигини куйлади. Покланган ошиқ руҳи ҳам ўзида илоҳийликни акс эттиради.

Машраб ишқни таърифлашда «май», «шароб», «бода» истилоҳидан ҳам фойдаланган. Май (ишқ) қуиладиган коса, қадаҳ ёки жом каби идишлар кўнгил рамзлари бўлган. Кўнгилда (идишда) ишқи (майи) тўла ошиқлар (маст, девона, хумори) тўпланадиган жой пир (устоз, муршид, тариқат пешвоси) даргоҳидир. Ишқ май экан, сўфийлар даргоҳи май-

хонадир. Маърифат улашувчи, ишқ сирларини талқин этувчи пири комил соқий бўлса, ишқ ахли унинг муридлари, шогирдлари дир. Васл ахли камолотга эришган, валоят мақомидаги валийдир.

*Қатрайи ваҳдат майидин лутф ила  
қилди карам,  
Завқу шавқидин бериб, оламда султон айлади.  
Соқийи пири мугон сунди шароби антаҳур,  
Мосуво айлар ҳамадин, мушкул осон айлади<sup>1</sup>.*

Машраб руҳининг ишқдаги ҳолати ҳам ўзгача. Машраб худога шунчалик муҳаббат қўйганки, Ундан бошқа ҳеч нарсани истамайди: «...Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?! ...Урайинму бошима саккиз беҳишту дўзахин?! ...Кўрмасам бир дам Сени Байт ул-ҳарамни найлайн?! ...Икки дунёдин кўзум юмдум Сенинг завқинг билан! ...Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг, ...Намозу рўзадин фориг бўлуб сайёра Машрабман, ...Хонақою Каъбадин, Машраб,

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 85-6.


*мурода етмадим!*» Бу каби сўзлар ишқ асири бўлган жоннинг илтижоларидир. Машраб ишқдан илхом олади ва ишқ туфайли сўзнинг тифи-гавхари шабнам бўлади. Ишқ ғамидан юрак мум каби эрийди, у тақдирга тан беради ва шукrona айтади.

Машраб мажнунликка шу дарожада етганки, ўзини «*сараҳбори муҳаббатман, камоли нури раҳматман, қиёматга бепарво-ю, жаҳоннинг нутадониман*», деб Аллоҳ жамоли умидида ёри бокамолидан «*манга танҳо дўзахни бер*» деб илтижо қиласди:

*Ки ҳоло Бурқи Сармастман, манга дўзахни  
танҳо бер,  
Мудом ҳушёр эмас мастман, манга дўзахни  
танҳо бер.  
Тутай домони меҳнатни, ато қилгил  
бу ҳимматни,  
Урай кўси муҳаббатни, манга дўзахни танҳо  
бер.  
Нидо келдики, эй Машраб, сани ман жаннатий  
қилдим,  
Бу йўлда айлагил таслим, манга дўзахни танҳо  
бер!*.

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 289-6.



Балоғатта интилган, үзини англаған, Яратувчисини таниған, Ҳаққа интилган инсон майда-чуйда тасаввурлар, бидъату ирим-сиримлар, котиб қолған ақидаю маросимлардан халос бұлади ва оламни үзгача нигоҳ билан англайди. Инсон қанчалик майдалашиб борса, арзимас икир-чикирларга вактими бой беріб, азиз умрини зое кетказса, ҳеч қачон үзлигини англолмайди.

Машраб учун миллий, ирқий, диний, мазҳабий ва бошқа бүлинишлар ва низолар кераксиз ва ортиқча бұлиб күринағы. Унинг учун Шарқу Farb, насроний, буддавий, мусулмон, барчаси баробар. Машраб талқинида, динлар дунёвий үлчовларга тегишли, рух эса инсонийликнинг белгиловчи фазилатидир.

Машраб ҳамиша Ҳак ёдида бұлған бұлса ҳам, халқ билан бирга бұлған. Унинг учун асосий мезон одамийлікдир. Машраб инсонни, аввало, одамийлик сифатларига қараб әхтиром этған, қадрлаган. Машраб учун барча

одамлар худонинг бандаси ва уларни худога олиб борадиган йўллари турли диний, мазҳабий йўналишда бўлса ҳам, бирдир. Яъни, йўллар бирбиридан расм-русум, урф-одат, маросимлар билан фарқланса ҳам, ҳар бир инсоннинг асл нияти, мақсади ягонаadir.

*Хўжалиқ осон эзур, марди Худо бўлмоқ қийин,  
Ҳақ таолонинг ұзига ошино бўлмоқ қийин.  
Пирга қўл бердим, дема, кел, сен дилингни  
соғ қил,*

*Маҳзи зоҳир сурат ила бегуноҳ бўлмоқ қийин.  
Баъзилар мўъмин бўлуб умматлиг лофини урад,  
Лек масти боргоҳи Мустафо бўлмоқ қийин.  
Ташла мисвоку фашу дасторини, Машраб,  
букун,  
Дилда дардинг бўлмаса, ёди Худо бўлмоқ  
қийин<sup>1</sup>.*

Машраб талқинида инсон қанчалик маърифатли бўлса, шунча инсонийдир, шунга кўра, у барча одамлардаги инсоний фазилатларни қадрлайди ва оламдаги барча нарсаларга муҳаббат билан қарайди. Шоир

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 225-6.

ишқни иймон, ошиқларни иймонлилар, ишқдан бебаҳра, кўксидаги йўқ кишиларни иймондан йирок, улар бедардлик балосига гирифтор бўлган норасолар, деб ҳисоблаган:

*Қайси танинг ишқи йўқ бўлса, они иймони йўқ.*

Машраб кишилар хулқ-атворидаги нозик жиҳатларни ҳам англаған: «Чаман сабзаларини эшак ейдиган шўралар ўраб олмоқда, зоғ булбулдан яхшироқ сухан соҳиби бўлганини кўрдим».

Машраб шеъриятининг ўзига хослиги ва такрорланмаслиги шундаки, Машраб учун мухаббат, унинг учқунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам барчаси ишқ туфайлидир. Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай – ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истиқболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма

вақт навқирон, ҳақиқат ва эзгулик-нинг ўзидаи абадий. Машраб шеърларида Вомик, Мажнун, Фарход, Шайх Боязид, Шайх Шиблий, Жунайд Бағдодий, Шамс Табризий, Фаридиддин Аттор, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Имодиддин Насимий номлари тилга олинган. Улар бари ишқ дарғалари, илоҳий нур парвоналаридир.

*Ёши етмишга етиб соттурди ўзни Боязид,  
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо  
қилди ишқ?  
Шайх Шиблий, Шайх Аттор ул «Аналҳақ»  
сүҳбатин –  
Курди, ичди бодани, Мансурни дордо қилди  
ишқ.  
«Куфр айтти» деб Насимий терисини сўйдилар,  
Гўшту пўстин сўзлатиб, оламга гўё қилди  
ишқ<sup>1</sup>.*

Шоир bemalol: «Намозу рўзадан кечкил, муҳаббатга бота кўргил» деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламоларга масхара бўлган

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 325-6.

ўз қавми — «девоналар» аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаган. Машраб бир ғазалида башарият шоири қалбини қуёш каби ёритиб, Румийга бутун умри мобайнида ижодий жүшқинлик бағишилган Шамс Табризийнинг Мавлоно Румийга айтганларини эслатади:

*Такя авлодига қилган кофири муртад кетар,  
Англагил, асли расодин норасо пайдо бўлур.  
Мавлавийга Шамс Табризий бурун айтган*

экан:

*«Вақти охир Машраби соҳиб дуо пайдо бўлур»<sup>1</sup>.*

Машраб ўзи ихлос қилган, ғайбий пири бўлган Мансур Ҳалложни ишқ курбони, ҳақгўйлик тимсоли сифатида улуғлаб, алқайди. Мутлақиятга восил Машраб бошини Мансур каби дорга тутишга рози бўлади:

*Ваҳдат майини пири мугон илкидан ичдим,  
Мансур каби бошимни дорга тута қолдим.  
То телбалигим шухрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 288-6.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 143-6.

Мансур Ҳалложнинг руҳий ҳолати Шайх Фаридиддин Аттор орқали олти юз йилдан кейин Машрабда такрорланган:

*Минг «Аналҳақ» келадур Мансур осилған  
дордин,  
Хар замон «лаббайка» деб келгай нидо  
Жаббордин'.*

Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, тангрининг ўзи «лаббайка» — «мана мен Роббинг» деб нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимиининг эт-суяклари ҳам «Аналҳақ» деб фарёд чекади. «*Бу — ишқнинг фарёди*» эди.

«*Мансурни дорда қилган ишқ*» чексиз бўлганидай, Мансурлар, Насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб Мансур Ҳаллож ғояларига буткул кўшилган ҳолда, унинг маслагига

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 211-6.

жисман ва руҳан талпинади: «Соғинчимнинг дарди шундай зўрки, дарахтларни хома, дарёларни сиёҳ, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсан ҳам адo бўлмайди!» Куръондан иқтиbos қилинган бу ташбех нақадар чиройли ва ҳашаматли! Куръонда у Аллоҳнинг қудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса бу ташбехни ҳам Аллоҳ қудрати ва ҳам Аллоҳ ишқи қудратини таърифлаб қўллаган<sup>1</sup>.

Машраб бир умр ишқ дардида ёниб, изтироб ва қайғу билан яшаган. Унинг бедорлиги, қалб тафти тафаккур оламини нурлантирган маёқ бўлган. Машрабнинг маънавий уйғоқлиги унинг фикрларидағи саркашлиқ, нохотиржамлик, гуноҳкорлик туйғуси, ўз-ўзидан қониқмаслик, юрак сирларини барчага ошкор қилишдан тортинмаслик кабиларда намоён бўлган.

<sup>1</sup> Н. Комилов. Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. — Т.: «Ўзбекистон» ва Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. — 138—139-6.

*На қаттиғ күн әкан, дилбар, висолингдин жудо  
бұлмоқ,  
Мани охым үтига бул замину осмон үртар.  
Бу дард ила хароб үлдүм, келиб ҳолимни  
сүрмайсан,  
Унум чиқса юракдин бул тану жон, устухон  
үртар<sup>1</sup>.*

Шоирлик буюк қисмат. Машраб умрининг охиригача ўз ҳақлигига ишониб яшаган ва ўлимдан қўрқмаган. Машраб шеърларининг ҳар сатрида ошиқлик ва девоналилка етишган юракнинг ноласи мужассамки, муттақийлик даъвосини қилиб, ўзларини комили акмал билган-у, «ўзини билмаган бедарлар»га унинг изтироблари бегона эди. Шунинг учун «пок дилдан юксакроқ фалак топмаган» шоир «бўлма нодонларга ҳамдам, *Машрабо, қадринг кетар*» деб такрорлайди.

Машраб шеърлари умрбокийдир, унда нурсизлик, файзсизлик, такаббурлик йўқ. Қайнар булоқ каби юракдан отилиб чиқсан мисраларда борлик

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 249-б.

намоён бўлади, унда ҳаёт ҳам, ўлим ҳам, ўтмиш ҳам, келажак ҳам, мавжудлик ҳам, номавжудлик ҳам, йўқлик ҳам мужассам. Шунинг учун Машраб шеърлари худди ҳозир ёэилгандек тасаввур беради ва асрлар оша ошиқ қалбларни нурга тўлдиради.

## «МАБДАИ НУР»

Машрабнинг мумтоз адабиёт жанрларини тўлиқ ўзлаштиргани, араб, форс-тожик тилининг ўзига хос хусиятларини ўз она тили каби билгани, мушоҳадасининг ўткирлиги, мулоҳазасининг кенглиги асарларида акс этган.

Машраб ижодини ўрганиш жараёнида унинг руҳониятидаги бир-бирига қарама-қарши Машрабларни кўриш мумкин. Мадрасада шариат илмига берилган Машраб Офокхўжа хузуридага маърифатга ошно, «*ишқ оташининг самандари*»га айланади. Машрабнинг қаландарликда кечган ҳаётида яна бир Машрабни — «*муҳаббат*

*тиги андози билан бағри қон, булбули нолон, дарди күп, ҳамдарди йүқ, маломатдан қомати «нун», фурқат билан ғам даشتіда сарсон шохбоз»ни кұрамиз.*

Машраб шеърларидаги гоҳ ёниб, гоҳ сұниш-у, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлашлар замирида ҳам Машраб рухиятидаги турфалик яшириндир. Машраб «девона» шоиргина әмас, ўз даврининг мутафаккири әди. Унинг «Мабдаи нур» маснавийси пири муршиди Офоқхұжанинг топшириғи билан ёзилған.

«Мабдаи нур» («Нурнинг бошлиниши, чиқиши жойи») Аллоҳ нурининг жилоси, оламни ёритувчи нур, деган маънени англатади. Жаҳон мумтоз адабиётининг буюқ сиймоларидан бири, башарият шоири Мавлоно Жалолиддин Румий ижоди Машрабни бефарқ колдирмаган, албатта. Машраб Румий fazалларидан завқланған, «Маснавий»ни ёд олған, таъсирланған ва илхомланған.

*Нақши давлат мулкини нафсимга бости  
чун ажал,  
Шамс Табризий манам, гоҳи Жалолиддин манам.  
Хосилим дунёву уқбодин ки ҳар сў келди, бас,  
Бир назар ҳолимга қилгил, руҳи Шамсиiddин  
манам  
Машраби девонадурман, ҳеч киши билмас мани,  
Гоҳи комил, гоҳи фозил, гоҳи чун мӯъмин  
манам<sup>1</sup>.*

«Маснавий» шарҳига бағишлиланган күплаб китобу рисолалар ёзилган. «Маснавий»га шарҳ ёзиш учун румиёна тафаккур эгаси бўлиш лозим эди. Машраб ана шу буюкликка эришган, илк бор ўзбек тилида «Маснавий» вазнида шарҳ битган ягона шахсдир! Аслида «Мабдаи нур» ўзбек халқининг чинакам фахридир.

«Мабдаи нур» «Маснавий»нинг туркий тилдаги шарҳи, илоҳий илҳом билан ёзилган, учта дафтардан иборат мустақил асардир. Машраб румиёна сатрларда инсон қалби, қадри ва маънавий-рухий камолоти, илоҳий ишқни шариату тариқат андозасида тушунарли тилда баён қилган. «Мабдаи

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 182-6.

нур»дан 53 та фазал, З та мустазод, ислом оламида машхур бўлган шайх ул-машойих ва уламойи киромнинг валояту кароматлари баён қилинган 142 та ҳикоят ўрин олган. Азиз-авлиёлар халқ назарида алоҳида хислатли кишилар ҳисобланган. Улар ахлоқий поклик, руҳий қудрат, закийлик, кишилар қалбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бажариш, ҳақгўйликда намуна кўрсатганлар. Машраб инсон хулқ-атворидаги фазилат ва иллатларни қоралар экан, Куръон ва ҳадисдан далиллар келтиради. Ислом арконлари, фарз ва суннат асосида ҳукм юритади. Булар билан чекланиб қолмасдан, фикрларини халқ оғзаки ижоди, масал, мақол ва ҳикматли сўзлар билан мустаҳкамлайди. Машраб инсонни қалбига қулоқ солишга, руҳиятини тадқиқ қилишга чорлайди ва ўзлигини билишга ўргатади. Ўзини англаган Яратувчисини билади, англайди.

Машраб инсоний иродани илоҳий ирода билан уйғунлаштириб, инсонни

ахлоқий хасталикдан қутулишга, нафс иллатларидан озод бўлиб, банда каби яшашга, ҳаётдан завқ олишга, рух фароғатига эришишга ундейди. Бойликка ҳавас, хузур-халоват, чексиз ҳавойи орзулар, моддий фаровонлик, шон-шуҳрат инсонни бузади, инсонлик сифатидан ҳайвонлик сифатига туширадики, ҳалоллик, меҳр-шафқат, саховат, одамийлик каби олийжаноб хислатлар унга ёт булади.

«Мабдаи нур» Машрабнинг кўнгил тухфаси, инсоннинг ўзига ўзини ойна қилиб кўрсатадиган «*дард ҳам, дармон ҳам*»ки, хикояларни ўкиш жараёнида инсон ҳикояда келтирилган қаҳрамон ўрнига ўзини қўйиб, беихтиёр қилмишидан йиғлаган, тавба-тазарру қилган, ҳаётини тарозуга солган, ўзига холис баҳо берган. Асарни комил ихлос билан ўқиганлар ҳаётларини тўғри йўлга солиб, «*илоҳий эшикларни қулфсиз очиб*», комилликка эришганлар.

«Мабдаи нур»да Хўжа Толиб Балхий ҳақидаги ҳикоя таъсирчан бўлиб,

шайх чўлда сувсизликдан ўлар ҳолга келган итни кўриб, бир коса сув эвазига эллик марта қилган ҳажини беради. Бир итни деб, бир коса сув учун эллик ҳаж савобини берган шайхнинг ҳаракати атрофдагиларда шубҳа туғдиради ва улар бу ҳолатни «хилофи шаръ» (шариатга зид) деб баҳолайдилар. Шайхнинг асл мақсади мағрурликни енгиш ва эллик марта ҳаж қилганлик мартабасидаги мутакаббирликдан воз кечиш эди:

*Ҳар киши аъмолини қилса забун,  
Рўзи холий қолсаву ҳам, сарнигун.  
Шайх деди: «Эллик ҳажим бор эди,  
Мағрурият дилда кўп бисёр эди.  
Ман каби даргоҳида бир хасча йўқ,  
Қилмишим, эй дўстлар, каргасча йўқ.  
Эмди холис бораман Ҳақ олдига,  
Шояд тўккай баҳри раҳматин манга»...  
...Бояги бир коса сув берган замон,  
Минг кўнгилни ҳолини топди аён<sup>1</sup>.*

Машраб ҳикоя сўнггида ўкувчига мурожаат қилиб, озгина илм билан мағрур бўлиб, ўзича ҳақиқат йўлида-

---

<sup>1</sup> Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. 110-б.

ман деб юрган, аслида қалби чиркинликлардан халос бўлмаган кишиларга шайх Толибдан ибрат олишга чақиради:

...Бояги бир коса сув берган замон,  
Минг кўнгилни ҳолини топди аён.  
Дил ани дерларки, бўлса нури Ҳақ,  
Кулл малойик андин олгайлар сабак<sup>1</sup>.

«Мабдаи нур»<sup>2</sup>да яна бир ҳикоя борки, инсоннинг огоҳлик билан яшаши, ўзини поклаши, ҳаёти давомида ҳам руҳан, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран камолотга етказиши ҳақида сўз юритилган. Бир қуш овчиси бўлиб, унинг домига саъва илинади. Саъва қушчининг ақли ноқислигини фаросат билан англаб, кутулиш чорасини топди. Сайёдга қараб одамлар тилида сўзлайди ва: «агар мени қафасдан чиқарсанг, уч насиҳат айтаман, сен туганмас бойликка эга бўласан», деди. Бундан ажабланган овчи қушнинг алдовига рози бўлиб, уни озод қилди.

<sup>1</sup> Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. 110-6.

<sup>2</sup> Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. 123-6.

Күш деди: «Аввало, ақлдан ташқари бўлган, бемаъни, лоф, ёлғон сўзга ишонма. Сўнгра қўлингдан кетган бойлик, амалу мансаб, ўзингники бўлмаган нарсага қайгурма. Учламиши, жигилдонимда тухумдек гавҳар бор эди, мени сўйсанг, гавҳарга эга бўлар эдинг. Сенга худонинг ўзи катта давлат ато қилган эди. Сен эса мени қўйиб юбориб, давлатдан жудо бўлдинг».

Овчи саъванинг алдовига чиппачин ишониб, унга хушомад қилиб, олдига чакиради ва меҳрибонлик билан унга қафасга киришни илтимос қилади. Шунда саъва овчининг нафс қули эканлиги, ақлу фаросат билан иш қилмаслигига амин бўлиб: «Ҳайф сенга, биринчи маслаҳатимга ҳам амал қилмадинг, иккинчисига ҳам. Учинчисига келсак, мен ўзим тухумча бўлмасам, менинг жигилдонимга ўшандоқ гавҳар сигмаслигига фаросатинг етмади», деб учиб кетади. Машраб акли нокисликнинг оқибатини шундай таърифлайди:

*Гавҳар иймонингдур, сайёдингдур нафс,  
Килмагин таъхир, жаллодингдур нафс.  
Санки борсан мурғи арши ақдаси,  
Макр қил нафсдин ўзингни маҳласи<sup>1</sup>.*

«Мабдаи нур» саодат кимёсидирки, уни ўқиган киши доноларнинг сухбатида бўлгандек, уларнинг файзидан баҳра олгандек бўлади. «Мабдаи нур»нинг ахлоқий-тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, унда илгари сурилган эзгу ғоялар, шарқона ахлоқий тафаккур ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Бир вақтлар «Мабдаи нур» мадрасаларда ўқитилган. Ахлоқий пандномаларни фарзандларимизга мактаб ёшидан уларнинг онги ва шуурига сингдирсак, келажакда кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Асар жамиятда мавжуд салбий иллатларни йўқотишида, ёшлар тарбиясида beminnat ёрдам бўлади.

### «КИМЁ»

Кимё мис, қалайи каби металларни олтинга айлантириш, «элексир» («иксир») деган маънони англатади.

<sup>1</sup> Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. 124-б.

«Элексир» қадимда хушбүй моддалар ва дориворлардан тайёрланган мураккаб модда булиб, мис, қалайи, тош ва тупрокни олтинга, ёмонликни яхшиликка, ёвузликни эзгуликка, касалликни соғликка, жохилликни оқилликка айлантирувчи кимё илми, инсонни саодатта элтувчи, фавқулодда таъсир кучига эга булган нодир хусусиятга эга булган.

Фалсафий маънода кимё «ҳикмат тоши» — инсонга чексиз ақл-идрок ато этадиган, ҳар қандай касалликка даво буладиган, умрни узайтирадиган, инсонни ёшартирадиган иксир (элексир), кимёи саодатдир. Шунинг учун аксарият файласуфлар умрларининг охиригача ҳикмат тошини қидирган, умрларини уни топишга бағишлигандар. «Ҳикмат тоши»ни қўлга киритиш учун «тупрокни олтинга айлантириш», яъни инсон ўзидағи иоқис ва ярамас иллатларни тозалаш орқали камолотта эришган. Илм Аллоҳдан инсоннинг қалбига ҳеч бир воситасиз оқиб келмагунча, жўшқинлик ва

шавқ асл манбадан келмагунича, инсон шоир бүлолмайди, инсон ижодкор бүла олмайди. Бехуда, муболагали, қалбаки илм ҳали илм эмас.

Машрабнинг «Кимё» асари ахлоқий пандномалардан иборат бўлиб, маснавий усулида ёзилган. «Кимё» «Мабдаи нур»нинг мантиқий давомидир.

«Кимё» асарида 22 та фасл бўлиб, ҳар бир фаслда авлиёлар ҳақидаги ривоятлар ҳикоя қилинган. Асарнинг тартиби қуйидагича: аввал бир кимё мавзуси келтирилиб, мавзу кимёга доир ҳикоят билан шарҳланган ва муаммо ечимини топган, хулоса қилинган.

Инсон маънавий дунёси, кўнгли ҳамиша комилликка, етукликка талпиниб келган. Пири муршидга эргашибда комилликка интилиш, улар сиймосида ўзликни англаш, яхши ахлоқ, илоҳий фазилат ва сифатларни мукаррам деб ҳисоблаш, инсон маънавиятини қадрлаш ва бойитиш нияти мужассамдир. Пир мақсад сари

офишмай интилишида ғоявий раҳнамо бўлганки, руҳонияти етук, файб оламига восил бўлган ва унинг сирли ҳикматларини англаган пири муршид улуғланган:

*Кел, эй Машраб, муаллимдин гапургин,  
Ўшал донанда, олимдин гапургин.  
Кимишнинг руҳи раҳбардин жудодур,  
Ки ул ҳўроки чандин аждаҳодур.  
Дарахтнинг асли дарёдин жудодур,  
Анинг бошига оғоти ҳаводур.  
Ҳаво урган сугун навҳа не даркор,  
Куриди, мевасидан қолди бекор.  
Ки бераҳбарга дунёйи малъун,  
Ҳамиша кўрсатур ранги гуногун.  
Кимишким рангларига баста бўлди,  
У йўлдин қолди, поин хаста бўлди.  
Кишининг тири йўқдур нотамомий,  
Юругон чўлда аспи белижомий.  
Лижомидин жудо бўлганда ҳар асп,  
Киломас асли йўл юрмогни ул касб<sup>1</sup>.*

Комиллик йўлининг ибтидоси — ишқ. Кўнгилни поклашдан максад, комилликка интилишдир. Машраб кўн-

<sup>1</sup> Бобораҳим Машраб. Кимё / Тадқиқ қилувчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Наманган, 2000. 38-б.

гилни поклашнинг «кимё»си ишқ эканини уқтириб, шундай таърифлайди:

*Кимёдур ишқ, онқодур топиб бўлмас ани,  
Кимга тушди, бўлди ул дунёйи уқбодин жудо!*<sup>1</sup>.

«Нури Ҳакдан кимиё» топишни истаган Машраб назарида вужуд моддийликдан рухга айлангач, ёр васлига этиш мумкинки, мисни олтинга айлантириш учун инсон, аввало, ўзлигидан кечиши лозим. Кўнгил Аллоҳ манзили экан, кўнгил шарбатини тотиб кўрмасдан унинг лаззатини билиш мушкул, зеро, инсоннинг яхшилигини билмасдан туриб, уни қандай қилиб яхши дейиш мумкин? Аллоҳни унуган инсоннинг кўнгли ўлиkdir. Инсон юрган йулини тўғри деб гумон қилиши мумкин, қачонки чукурга тушиб ҳалокатга учраганини билгач, афсус-надоматлар қиласи, лекин энди улар фойда бермайди. Аллоҳнинг: «Мени чини билан изласанг, албатта, топасан», деган ахди Аллоҳ томон тўғри йулни

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 247-6.

топиш учун ҳаракат қилган ҳар бир банда учун умид учкунидир. Ҳақиқий ишқ туфайли инсоннинг кўнгли маърифат ва ҳикмат ёғдулари билан му-наввар бўлади, комиллик шарти бажа-рилган бўлади.

«Кимё»да тасаввуф ва тавҳид ил-мининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақомлари, руҳий камолот даражаларини рамзий-тамсилий хикоятлар талқини, ҳаяжонли, лекин ёрқин шеърий сатрларда тасвирланган. Бу эса тасаввуфнинг соғ назарий маъноларини теран англашилиши, щунингдек, ирфоний ғояларнинг ом-малашувига кенг йўл очган.

## «ҚИССАИ МАШРАБ»

«Қиссаи Машраб» — «Шоҳ Машраб қиссаси» Машрабнинг шогирди Пирмат Сеторий томонидан ёзилган. «Қиссаи Машраб» Машраб шахсининг кўп қирраларини очиб берадиган, халқ меҳрини ифодалаган асадтир. «Қиссаи Машраб» сўзбошисида «икки

*жаҳонга сизмаган*» ишқ соҳибининг фаройиб ҳаёт йўли маноқибларда яна-да жозибали тасвиrlанган. Машраб номи тилларда достон бўлган.

«Киссаи Машраб» халқ достонла-рига ўхшайди, воқеалар Машрабнинг туғилиши ва умрининг охирида Балх подшоси Маҳмудхон томонидан дор-га осиб ўлдирилиши билан якунла-нади. Асарда Машраб «мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, оқил, ҳалол, по-киза инсон, дунё моли ва ҳузур-халоватидан воз кечган дарвеш» си-фатида тасвиrlанган.

Ривоят қилинишича, шоир қаерга бормасин, суфиёна, халқчил ғазалла-ри ва оташин сўзлари билан халқ кўз ўнгига авлиё сифатида намоён бўлади. Машрабнинг орқасидан эргашиб, ҳур-матини жойига қўйишади, ҳоким та-бақалар унга мурид бўлишга ҳара-кат қилиб, ўз кошоналарига таклиф этишади. Ўз номининг улуғланиши, ҳурмат-эътибори ошиб, кибр-ҳавога берилмаслиги учун шоир у ерда

одоб-ахлоқ қоидаларига сифмайдиган номақбул иш қилиб, барчанинг ҳаф-саласини пир қилади, ўз ҳаётини тах-ликага солади.

«Қиссаи Машраб»да келтирилган ҳикоят ва ривоятлар қадимий фольклор анъаналари асосида яратилганки, шоирнинг файритабиий мұғжизаларга бой саргузаштлари, масалан, ўтда ёнмаслиги, сувда чүкмаслиги, ҳамма жойда, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ сүзни айтиши, Хизр билан учрашуви, ўз тақдирини олдиндан каромат қила олиши, ботиний нигоҳ билан кишиларнинг ҳолатларини идрок этиш қабилар худди бұлған воқеадек таассурут қолдирған.

«Қиссаи Машраб»да одамзоднинг пайдо булиши, асҳоби қаҳф хақидаги Қуръон ҳақиқатлари ҳам ўзининг бадиий ифодасини топған. Шунингдек, қиссада Машраб яшаган давр рухини акс эттирған ҳаёттій лавҳалар күп.

Машраб дунёқарашининг нозик кирраларини, баъзи шеърларининг ёзи-

лиш тарихини яхшироқ тушуниш учун имконият мавжуд. Зеро, киссадаги ёрқин ва ажабтовур хикоятлар Машраб ҳақидаги тасаввурларимизни бойитиш билан бирга, Машраб шахсига чукур ҳурмат ва эхтиром хиссини уйғотади.

Ривоят қилинишича, Машраб Хұтан қишлоқларидан үтиб кетаётганда, бир дәхқон әкинини шудгор қилиб, Машраб ғазалларидағи сұзларни бузиб куйлаётган экан. Машраб ҳам кетмөнни олиб, дәхқоннинг әкинларини чопа бошлабди. Бу ҳолни күрган дәхқон Машрабдан: «сенга нима ёмонлик қилдимки, менинг әкинларимга зарар етказасан, еримни нима учун бузасан», деб сұраганда, Машраб: «бузиб үқиётган ғазалинг менинг иморатимдир, сұзим сендерлерге қолиб хор бұлгунча, куйиб кул бұлгани яхшироқ», деб дакки берган экан.

Машрабнинг ихлосмандлари унинг айтган шеърларини ёдлаб, кейинчалик китоб ҳолига келтиришни хаёл қилишади. Машраб ботиний нигоҳ билан уларнинг ниятини англааб, «мен-

*дан китоб қолса, аҳли мұхаббат хароб бүлур», деган экан.*

Оташнафас шоирнинг шахси турли замонларда турлича талқин қилиниши натижасида тушунмовчиликлар келиб чиққан. Машраб ҳақидаги тадқиқотларда мағкура таъсири остида рухонийлар ва худога карши кураш олиб борган шаккок шахс сифатида тасвирланган. Айникса, Машраб ва унинг пири Офокхұжа, Машраб ва рухонийлар ўртасидаги тушунмовчиликлар «Киссаи Машраб»ни мутолаа қилиш жараёнида бартараф этилади.

Машраб уч йил риёзат чекиб, Или шаҳрининг ҳокими ва кизини мусулмон қиласы. Бутун Или халқи ҳам мусулмончиликни қабул қиласы. Шутуфайли Офокхұжа Машрабга «*рустамона иш қилдинг, гунохингдан үттим*», деб даргохига қабул қиласы.

Ривоят қилинишича, Машраб кирғизлар юртига кириб борганида уни душман деб, ўлдирмокчи бүладилар. Камишларни түплаб, Машрабни үтда ёқамиз деб ҳарчанд уринсалар ҳам,

ұт ёнмайди. Бу кароматни күриб, оёғи остига йиқилган қирғизларни Машраб дуоибад қиласы: «*Илоҳо, бу жамоа қирғизни бўлдим деганда бузгайсан*»<sup>1</sup>.

Машраб Хиндистанда бўлганида масжидга жума намозини ўқиш учун кирганда, имом одамларни «*ҳалолҳо ҳисоб, ҳаромҳо азоб*» деб қўрқитаётган пайтда, қўлидаги қамчиси билан имомни бир уриб, ўзи минбарга чиқиб қуйидаги байтни ўқиган экан:

*Кўтарсанг парданি, ногоҳ юзунгни бир кўрай  
дерман,  
Жамолингга назар солиб, ки ҳуснингга тўйай  
дерман.  
Халойиқ қиблага боқиб, деюрлар  
«Роббиял аъло»,  
Намозу рўзага сан деб, санга сажда  
қилай дерман*<sup>2</sup>.

Ривоят қилинишича, Машраб Сирдарёning ўнг соҳилида жойлашган Санг қишлоғига келиб, бир хонадон-

<sup>1</sup> «Қиссаи Машраб». – Т.: «Ёзувчи», 1992. 88-6.

<sup>2</sup> «Қиссаи Машраб». 128-6.

дан ичиш учун сув ва бир бурда нон сўрайди. Хонадон эгаси Машрабга нон-сув бермай, уйидан қувиб юборади. Машраб иккинчи хонадонда ҳам худди шундай муносабатни кўради ва қишлоқни «Санг — заранг» деб дуоибад қилган экан. Машраб шу ердан дарёning нариги соҳилига ўтмоқчи булиб, кемачининг олдига келади. Кемачи уни ити ва эшаги борлиги учун ўтказмайди. Шунда Машраб дарёдан эшагининг тўқимини миниб ўтиб кетади ва кемачига қараб шундай дейди:

Эй, дарёкаш, кемангга олмадинг,  
шу ҳам гам бўлдими?  
Эшагимни яндаб ўтдим, тўқими нам бўлдими?  
Мен ҳам девонаи Машраб,  
шаҳрингга мусо фирмсан,  
Ё бир парча нон сўраб,  
сарсон бошим ҳам бўлдими?

Хўжанд халки Машрабни кўриш иштиёқида унинг олдига борганларида «қизил юзлик, шаҳло кўзлик, пайваста қошлиқ, патила-патила сочлари елкаларига тушган, муҳаббат

*майига гарқ бўлган, итининг бўйнида олтин ҳалқа осилган» қаландарсифат одамни куриб ҳайрону лол қоладилар.*

«Киссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан бири сифатида ҳозирга қадар севиб мутолаа қилинади. Машраб ҳаётига оид айрим воқеалар бугунги кун ўқувчисининг тасаввурига сифмаслиги, эстетик қарашларига зид келиши мумкин. Тасаввуф илмидан бехабар киши учун Машрабнинг пир хизматида булиши, унга сўзсиз итоат қилиши, пирнинг назарига тушиш учун гуноҳ ишга қўл уриши файритабиий ҳол булиб кўринса ҳам, аслида ҳақиқатдир.

Машрабнинг на подшоҳ, на амалдор, на руҳонийлар «ҳурматини жойига қўйишни билмай», уларга қуллук қилмагани, аксинча, уларнинг назру ниёзи, эхсони ва кўрсатган ихлосу иззатларини «бир пулга олмай», мол ва мансабни ҳаром деб билгани замирида Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган илоҳий ишқ ошиғи

экани англашилади. Шу уринда бир мисолни келтиришни жоиз топдик. Машрабни эъзозлаб, унга от ҳадя қилишади. Отда кетаётган Машраб ногаҳон ўзини ерга ташлайди ва муридига отнинг оёғига пойтеша уриши буюради. Бу ҳолдан ажабланган халқнинг сўровига: «Шу отни миниб келган жойимгача Ҳақ таолодан гофил бўлдим. Яна бошқалар ҳам бу отни мингач, менинг ҳолимга тушиб, худодан гофил бўлмаслиги учун шундай қилдим», дейди. Зеро, «ишқ тўрига илинган», қалби муҳаббат билан тўлган Машраб Аллоҳдан чалғитадиган барча нарсалар, лаззату хушнудликлар баҳридан кечган.

Машраб халқ орасида бўлганида ҳам Ҳақ ёди билан яшаган, Худодан бир лаҳза узоклашмаган. Машраб умрини пуч ва бемаъни ишлар билан ўтказаётган, ихлоси суст, шухрату манфаат учун дину диёнатини ҳам сотган, эътиқодсиз кишиларнинг ҳолидан изтиробга тушган ва йиғлаганки, улар ўз ҳолларидан бехабар бўлгани

ҳолда, Машрабнинг изтиробларини де-  
воналикка йўйишган.

Машраб феълидаги яна бир ажиг  
жихат шундаки, унга мурид тушмоқчи  
бўлганларнинг ихлосини қайтарадиган  
ишлар қилган: «*Ман муридни уҳда-  
сидан чиқа олмасман, аммо қиёматлик  
биродарман*».

«Кисса»да Машраб шахси бу-  
зиб кўрсатилган, деган фикр ҳам  
бир ёқлама бўлиб, тасаввуф ҳаётида  
яшамаган киши буни идрок қилиши  
мушкулдир. Машраб ҳақидаги афсо-  
на ва ривоятлар халқ оғзаки ижоди  
маҳсули бўлиб, кишилар Машраб  
тимсолида Ҳак ишқи йўлидаги событ  
иймонли,adolatпарвар, халқпарвар,  
диёнатли идеални шакллантирган-  
лар.

Шундай бўлса ҳам, асар Машраб  
ҳақидаги тасаввурларимизни бойи-  
тиб, ўзининг ошиқлигини баралла  
айта олган, бошига тушган мухаббат  
савдосини баён қилган шоирнинг  
кўнгил изҳорлари маърифат ахлига  
манзур бўлади. «Киссаи Машраб»

ҳар биримизнинг ботиний оламимиз, кўнглими, ички дунёмиз қаҳрамони булиб, ундан ўзлигимизни, кечмишимизни излаймиз, Машраб билан бирга тоғу тошлар кезамиз, изтиробга тушамиз, дардимиизга дармон топамиз ва ниҳоят, енгил тортамиз.

## **ҲАРФЛАРНИНГ СЕҲРЛИ ЖИЛОСИ**

«Араб ҳарфлари сирли мазмунга эга», деган таълимотни илгари сурган хуруфийларнинг таъсири кучли бўлганки, Шарқ халқлари шеъриятида араб ҳарфларининг график шаклларидан бадиий усул сифатида фойдаланиш анъанага айланиб, буюк сўз усталири Хофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Атоий, Саккокий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Оғаҳий, Муқимий, Зокиржон Фурқат асарларида кенг қўллаганлар.

Машраб ижодида ҳам воқеалар тасвири жонли тамсил, ишора, ҳарф-

ларда ифодаланган. Жумладан, ёрнинг қомати «алиф»га, ҳижрондаги ошиқнинг букилган қадди «дол»га, маҳбубанинг зулфи «жим»га, қошкўзлари «нун»га, тишлари «син»га, ҳоли эса «нукта»га қиёс этилган.

*«Алиф»дек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,  
Ғамидин оқибат қаддимни «нун» янглиг  
· дуто қилди.*

Машраб бу ғазалида ёр ва жон ўртасидаги муштараклик ва уйғунликни ниҳоятда нозиклик билан тасвирлаган. Маҳбуба ишқида куйган ошиқнинг қадди «нун» каби эгилган.

Машрабнинг юксак бадиий маҳорат эгаси эканлиги унинг олам-олам маънени бир сатрда худди ипга терилган садаф каби теран ифодалашида кўринади. Бу ҳакда шоир шундай ёзади:

*...Минг маънини бир нукта билан мухтасар  
эттим<sup>1</sup>.*

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон 157-6.

Машраб ҳарфлардан сўз ўйини қилади ва айни вақтда бир сўзга бир неча маъно либосини кийдиради, ҳарфлар орқали ёрнинг гўзаллигини тасвирлайди:

*Ки зулфунг ила қаддинг мисоли «жон» дерлар,  
Ким «жим», «алиф» ила «нун» юзунгда  
холинг оч...<sup>1</sup>*

Машраб ҳарфлар тимсолида ёрга бўлган оташин муҳаббати, қалб тугёнлари, руҳий изтироблари, кечинмалари, ёрга етиш умидида чеккан заҳматларини ишонарли ифодалаган:

*Коматим «нун»дек бўлибтур доги  
хижрони билан,  
Куйдуруб аъзойи борим, дилситонимга дуо<sup>2</sup>.*

Ёки:

*Юз жафо бошимга орттурди, вафосин кўрмадим,  
Охирни бори маломат қоматимни қилди «нун»<sup>3</sup>.*

Машрабнинг «қилдим бу кун» радифли ғазали алифбо ҳарфлари тар-

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 318-6.

<sup>2</sup> Машраб. Девон. 243-6.

<sup>3</sup> Машраб. Девон. 222-6.

тибидა ёзилган булиб, ҳар бир ҳарфга таъриф берилади. Машраб ҳарфлар тимсолида ёр васфини қилиб, унга ишқини достон қиласи, ёрининг хуснини таърифлаб, жафоларини тилга олади, дарду ҳижрон азобини тўкиб сочади:

‘ – алифдек қоматингдин ибтидо қилдим букун,

‘ – балойи доги дардинг дилга жо қилдим букун.

‘ – тиловат қилгай эрдим ояти рухсорингни,

‘ – савоби хатми Куръон интиҳо қилдим букун.

‘ – жамолингни кўрай деб келдим, эй шоҳи жаҳон,

‘ – ҳаётим борича, ман илтижо қилдим букун.

‘ – ҳалойик ичра хуш хулқу некулик сандадур,

‘ – дилни олгучига ошино қилдим букун.

‘ – зоил бўлмасун деб ҳар замон меҳринг сенинг,

ر – работинг ичра таъмири вафо қилдим букун.

ز – зулфинг шомидин йиглаб юруб шому саҳар,

س – селоби сиришкимни раҳо қилдим букун.

ش – шакарлиғ лабларингдин меҳрибонлиг кўрмадим,

ص – сабрим қолмади, оҳу наво қилдим букун.

ض – зоеълиғ била умрум ўтодур оқибат,

ط – толесизлигимдин кўп хато қилдим букун.

ڻ – золим кўзларингнинг гамзаси қилди ҳароб,

غ – азиз жондин кечиб, жоним фидо қилдим букун.

ڦ – гарибларга тараҳҳум қилгил, эй султони ҳусн,

ڻ – фарогат бирлан арзимни адo қилдим букун.

ڽ – қурбат васлидин бўлди мададкорим Худо,

ڽ – гулзорида айни муддао қилдим букун.

Ј – лабинг – кавсар, тишинг –  
гаҳар, хати лаълинг ўқуб,

Ҷ – меҳробинг қошига иқтидо  
қилдим букун.

Ӯ – на бўлгай, биргина кўрсам  
жамолинг, эй парий,

Ҷ – ваъда, дилбарим, кўксимга жо  
қилдим букун.

Ӯ – ҳазил эрмас киши дөгини пинҳон  
айласа,

Ӣ – лола сифат чоки қабо қилдим  
букун.

Ӯ – ёрим, дилбаримга дуди оҳим  
сардини,

Ӯ – айлабон сўйи само қилдим  
букун.

Пардаи исматда сақла Машраби  
бечорани,

Дилрабо, номаҳрамимни ошино  
қилдим букун<sup>1</sup>.

Машраб дилтортар ва ҳозиржавоб шеърияти билан барчага манзур бўлган. Бу эса шоирнинг юксак эстетик дид соҳиби ва бадиий тафаккур эгаси эканлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup> Машраб. Девон. 223-6.

## ОТАШНАФАС ШОИР

Боборахим Машраб Марказий Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркестонда маълум ва машхур бўлган мутасаввиф, қаландар шоир, исломий қадриятлар, тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдонидир. Машраб дилтортар ва илоҳий ишқ тараннуми акс этган шеърлари билан асрлар оша кишиларнинг қалбларини ёритиб, халққа манзур бўлган. Машраб асарларини нафақат ўзбеклар, афғон, тоҷик, уйғур халқлари ҳам севиб ўқиган. Машрабнинг ҳаёт йўлини ёритувчи ягона манба – «Қиссаи Машраб»<sup>1</sup>дир.

Машрабнинг ҳаёти худди ижоди каби мураккаб ва кўп қирралидир. Унинг ҳаёти саргардонликда, жаҳонгашталикда, оддий халқ орасида ўтган бўлса ҳам, руҳининг уммонида ишқ тўлқинланиб, алангали ҳисҳаяжонларни юракка сиғдиролмай,

<sup>1</sup> Шоҳ Машраб қиссаси. – Т.: «Ёзувчи», 1991.

минг маънини бир нуқта билан мухтасар этади.

Замон ва замин дардини ўзида сифдирган Машраб халқ ичида юриб, хақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қиласди. Аммо унинг исёни, айрим олимларимиз ёзиб келганидай, тузумга ёхуд дин ва Аллоҳга қарши исён эмас, балки аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, тамагир кишилар, уларнинг хамтовоқлари бўлган ўзга «аҳли бадкирдор»ларга қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуқтаи назардан яна да чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёning ўзига, барча нокаслик, ишқсизлик ва худобехабарликка қарши норозилик исёнидир. Шунинг учун ўз руҳининг Аршга кўтарилигани, ва албатта, парвозидан ҳайратланувчи Машраб, айни вақтда фалак зулмидан «баҳтиқаролар подшоҳи»га айлангани, «жафодан монанди дол» бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм шайхлар, ришвадан ҳазар қилмайдиган мулла-

ларни ҳажв остига олади. Машраб илоҳий ишқ тарғиботчиси сифатида ҳақ йўлида ўз жонини қурбон қилган фидойи инсон сифатида ҳурмат-эхтиромга сазовордир.

Машраб ғазаллари инсон руҳиятининг буюк таронаси сифатида ўзлигини англашга интилган ҳар бир тафаккур эгасини ҳайратга солади. Шеърнинг маъно-моҳиятини англаганлар ўzlаридаги ахлоқий қолоқлик ва жоҳиллик занжирини парчалаб, икки дунёда ҳурлик саодати сари интилади. Машраб шеърлари булоқ каби беғубор, тоза ва шифобахшки, бу чашмадан ким нима қидирса топади. «Мабдаи нур»даги ҳар бир ҳикоя ибрат, ривояту қисса ҳам фаросатли киши учун тарбия дарси, ҳаёт сабоғидир. Тўрт киши тўпланса, базмга машрабона сатрлар жон бахш этган. Афсуски, бу анъана собиқ шўролар тузумининг даҳрийлик мағкураси ҳукмронлиги даврида тўхтаб қолди.

Машрабнинг ҳаёт йўли Ойбекнинг «Машраб» шеъри, Омон Матчоннинг

«Бу Машраб, Машраб» достони, Мұхаммад Алиниң «Машраб» достони, Шухратнинг «Машраб» романи, Миркарим Осимнинг «Синган сетор» қиссаси, Х. Бегматовнинг «Девона Машраб» романида ёритилган.

Машраб шеърлари нафақат Шарқда, Фарбда ҳам севиб мутолаа қилинади. Немис олимни Мартин Хартманнинг «Доно дарвеш ва авлиё дахрий», «Қадамжо» мақолалари диккатга сазовордир. 1992 йилда Францияда «Киссаи Машраб» кўп нусхада чоп этилган.

Машраб шеърларининг жозибадорлиги шундаки, байтларни үқиш ва англаш орқали вужуд Машрабнинг руҳидан қувватланади, кўнгиллар нурга тўлиб, ҳаётнинг, яшашнинг, инсоннинг қадрини чуқурроқ ҳис этишга, камолот сари интилишга эҳтиёж сезади ва мудроқ қалблар Аллоҳ ишқи билан уйғонади.

Машрабни дунё билади, унинг мероси тубсиз уммон, ҳикмат гавҳарлари чексиз. Машраб муazzам, бетакрор, ҳеч

кимга үхшамайдиган сиймо. Унинг шеърларида рух эркинлиги баралла янграйди, инсонни поклик саодатига етаклайди. Машраб инсоният қалби ва руҳиятини ёритувчи қуёшдир. Шунинг учун қарийб тўрт асрдан бери унинг жозибали шеърлари қалбларни нурлантириб, руҳларни юксалтириб, илоҳий муҳаббатга ошно қилиб, камолотга чорламоқда. Бундан кейин ҳам бу бебаҳо хазинага ошнолик тўхтамайди.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *И. Абдуллаев.* Шоҳ Машрабга сўзбоши // Шарқ юлдузи. – Т.: 1995. № 6.
2. *Абдурауф Фитрат.* Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: «Маънавият», 2000.
3. *Абу Ҳомид Ғаззолий.* Мукошафат ул-кулуб. II китоб. – Т.: Минҳож, 2004.
4. Мехрибоним қайдасан / Нашрга тайёрловчи Ж. Юсупов. – Т.: Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
5. Бобораҳим Машраб / Тузувчи Ж. Раҳимов, А. Аҳмедов. – Т.: «Ўқитувчи», 1991.
6. *Бобораҳим Машраб.* Мабдаи нур / Тадқиқ қилувчи, эски ӯзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, лугат ва

изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. — Т.: «Фан», 1994.

7. Бобораҳим Машраб. Кимё / Тадқиқ қилувчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Наманган, 2000.

8. А.Ш. Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. — Т.: «Адолат», 2001.

9. Зиёвуддин Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон // Шарқ ўлдузи, 1980. № 3.

10. З. Исҳоқова. Машраб (рисола). — Т.: Абу матбуот-консалт, 2011.

11. Н. Комилов, F. Саломов. Шоири аналҳақ / Мехрибоним қайдасан. Нашрга тайёрловчи Ж. Юсупов. — Т.: Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

12. Комилов Н. Тасаввуф. — Т.: «Мовароуннаҳр» — «Ўзбекистон», 2009.

13. Mashrab. Tanланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар П. Шамсиев, А. Ҳайитметов. — Т.: Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1958.


14. *Машраб*. Танланган асарлар / — Т.: Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1963.
15. *Машраб*. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи А. Абдуфауров. — Т.: Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
16. Машраб шеъриятидан. — Т.: «Ўзбекистон», 1979.
17. *Машраб*. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи А. Абдуфауров. — Т.: 1980.
18. *Машраб*. Девон / Тадқиқ қиувчи, кўлёзма ва босма манбалардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар хамда изоҳлар муаллифи Жалолиддин Юсуфий. — Т.: «Янги аср авлоди», 2006.
19. Машраб ҳикматлари / Тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Наманган, 2000.
20. Машраб ғазаллари. — Т.: «Фан», 2007.
21. *Муҳсин Зокирий*. Машраб. Адабий-танқидий очерк. — Т.: «Фан», 1966.

22. *B. Раҳмонов*. Буюк исёнкор. — Т.: 1980.
23. *Э. Шодиев*. Машраб. — Т.: «Фан», 1980.
24. Шоҳ Машраб қиссаси / Нашрга тайёрловчи М. Ҳасаний. — Т.: «Шарқ», 1991.
25. Қиссаи Машраб / Нашрга тайёрловчилар Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли. — Т.: «Ёзувчи», 1992.
26. *A. Ҳайитметов*. Ҳаётбахш чашма. — Т.: Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.



## МУНДАРИЖА

Муқаммал ишқ достони.....	4
Ирфоний ишқ күйчиси.....	6
«Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман» .....	13
Мулла Бозор Охунд – Машрабнинг устози .....	17
Куддусаро азиз Хўжам Машраб отимни қўйдилар.....	22
Машраб ва тасаввуф.....	40
«Маърифатдан бехабарсан, гавҳаримни ковлама» .....	52
«Шухрати шеър бошида Машраби мўътабар ўзум» .....	59
«Агар ошиқлиғим айтсам куюб жону жаҳон ўртар» .....	70
«Мабдаи нур» .....	86



«Кимё» .....	94
«Қиссаи Машраб» .....	99
Харфларнинг сехрли жилоси .....	109
Оташнафас шоир .....	115
Фойдаланилган адабиётлар .....	120

Адабий-бадиий нашр

Замира ИСҲОҚОВА

## **МАШРАБ**

Муҳаррир *Рауф Субҳон*

Бадиий муҳаррир *Х. Кутлуков*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳих *С. Салохутдинова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси АI № 158. 14.08.2009.  
Босишга 2015 йил 23 сентябрда рухсат  
этилди. Офсет қофози. Бичими  
 $70 \times 108^1 / 64$ . «Virtec Peterburg Uz»  
гарнитураси. Офсет босма усулида  
босилди. Шартли босма табоби 2,8.  
Нашр табоби 2,96. Адади 2000 нусха.  
Буюртма № 15-661.

Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Исҳоқова, Замира**

И84 Машраб / З. Исҳоқова; ғоя мувалли-  
фи ва масъул муҳаррир К. Ражабов.  
— Тошкент: «O'zbekiston», 2015.  
128-6. — (Тарих ва шахс).

ISBN 978-9943-01-938-6

**УЎК: 94(575)(092)Машраб  
КБК 86.38**

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-938-6



9 789943 019386